БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 186 (17,766). • 13 август 1980 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

ЗАФАРЛАРИМИЗ — ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА!

МЕХАНИЗАТОРЛАР МУСОБАҚАСИ

МАРДЛАР МАЙДОНИДА

КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил июнь Пленуми қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қаридан беҳад руҳланган Оқолтин райони механиздашлари ғўза парваришини кун сайин жадаллаштирмоқдалар. Район деҳқонлари якунловчи йилда она-Ватанга 100 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини қабул қилганлар. Бу улкан хирмонга «Партия XXII съезди» совхози механиздашлари 16 минг тонна дурдоналари билан ҳисса қўшадилар. Хўжаликда сувчилар, механизаторлар, бригадалар ўртасида социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилган. Қуйида шу совхознинг мусобақадош икки механизаторига сўз берамиз.

Лапас РАҲИМОВ:

— Совхозимиз ишчи ва хизматчилари партиямиз Марказий Комитетининг 1980 йил июнь Пленумининг КПСС XXVI съездини чақириш тўғрисидаги қарорини ғоят баланд руҳ билан кутиб олдилар. Биз пахтакорлар партия ички ва ташқи сиёсатини тамоман яқдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз. Зарбдор меҳнатимиз ва ғалабаларимиз билан Ватанни қувонтирамиз.

Кўпдан буён мен совхозимизнинг 6-бўлимига қарашли механизациялаштирилган звенога бошчилик қилмоқдаман. Звеномиз аъзолари комплекс механизация ва илғорлар тажрибасини пахтачиликда кенг қўлланиб, ўтган йили чўл шароитида гектаридан 45 центнердан хирмон қўтарган эдилар. Бу йил 35 гектар майдондаги ғўзани меҳр билан парвариш қилмоқдамиз. Мақсадимиз гектаридан камида 50 центнердан юқори сифатли пахта ҳосили йиғиб-териб олишдан иборат.

Ўрни келганда бўлимимиз ҳақида ҳам қисқача сўзлаб ўтай. Азамат чўлқуварларимиз 550 гектар майдонда пахта етиштирмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида аниқ режалар белгилаб олган бўлимимиз деҳқонлари гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили етиштиришга қарор қилдилар. Гектаридан 50 центнердан хирмон кўтаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган Неъмат Синдоров, Ўринбой Жомонбоев, Одил Тожиев ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг баҳодирлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди шарафига давом эттирилаётган социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Бу бригадаларнинг пахта майдонларида ҳар туп ғўзада ҳозирнинг ўзида 10—12 тадан бўлиқ кўсак бор.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бўлимимиз деҳқонлари қўлга киритган дастлабки

муваффақиятлари билан кифояланиб қолмаяптилар. Ўсишдан бир оз орқада қолган ғўзаларга қўшимча ишлов бериб, озиқлантирмоқдамиз.

Бўлимимиз пахтакорлари бу йил она-Ватанга камида 2200 тонна «оқ олтин» армуғон этадилар. Ҳосилнинг деярли ҳаммаси «зангори кема»лар билан терилиб олинади. 15 та терим агрегати ишга тушириб, ҳосилдорлик аввалги йилларгидагидек ҳисобланмоқда. Ҳар бир агрегатга битта тажрибали механизатор ҳамда битта ёрдамчи тайинланади. Агрегатлар мавсумга шай ҳолда турибди.

Мен кўп йиллардан буён механизаторлик қилиб келаман. Бу касбни отам Пўлат Раҳимовдан ўрганганман. У киши 1948 йилдан 1974 йилгача механизаторлик қилганлар. Ҳозир отам звеномизда сувчилик қиляптилар.

Ўтган йили икки қаторли терим агрегати билан 200 тонна пахта териб берган эдим. Бу йилги мажбуриятим 250 тонна. Мен совхозимизнинг 7-бўлими бригадири-механизатори Турсун Аблезовни социалистик мусобақага чақираман.

Ҳурматли дўстим Турсун Аблезов, шоҳли партиямизнинг XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини улкан совғалар билан кутиб олишингизга сизга муваффақиятлар тилайман.

Турсун АБЛЕЗОВ:

— Мени социалистик мусобақага чақирганингиздан беҳад хурсандман, азиз ҳамкасбим Лапас Раҳимов! Совхозимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўплаб етиштириш, пахтакор ва механизаторларимизнинг меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишини тарбиялашда социалистик мусобақа муҳим роль ўйнаётганлиги шак-шубҳасиздир.

Маълумки, социалистик мусобақа меҳнатга рағбатлантирувчи қудратли ижтимоий омил ҳисобланади. Оммавийлик, ошкоралик, натижаларнинг таққосланиши, илғор тажрибаларни ўрганиш, амалда такрорлаш ва ёйиш, меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириши бирга қўшиб олиб бориш социалистик мусобақани ташкил қилишнинг ленинча принципларидир. Мен ишлаётган 7-бўлим коллективи бу принципларга тўла амал қилган ҳолда иш олиб бориб, кўзга кўринарли зафарларни қўлга киритиб келмоқдалар. Бўлимимизда пахта ҳосилдорлиги аввалги йиллардагига қараганда гектарига 8—10 центнер кўпайди.

Бу йилги маррамиз яна ҳам юксак. Бўлимимиз бўйича 530 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 24 центнер ўрнига 35 центнердан юқори сифатли пахта ҳосили териб топширмоқчимиз. Бизда ҳам КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига ўзаро социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Сувчилар, механизаторлар, бригадалар ўртасидаги мусобақа ўз вақтида якунланиб, ғолиблар вимпеллар, қимматбаҳо буюмлар ва пул билан мукофотланмоқдалар. Мусобақада гектаридан 38—40 центнердан чўл жавоҳири олишга ҳаракат қилаётган Турсунбой Қўлдошев, Эргаш Қўзибоев ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг миришкорлари илғорлар сафида бориша ётир.

Маълумки, мен раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари ўтган йили гектаридан 42 центнердан пахта ҳосили

олиб, бўлимимизда энг юқори натижага эришган эди. Бу йил 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта йиғиб-териб оламиз.

Август — ҳосилга ҳосил қўшиш ойи. Бўлимимиз ва бригадамиз коллективи ҳар бир туп ғўзани асраб-авайлаб парвариш қилаверадилар. Культивация ва суғориш ўз вақтида сифатли қилиб ўтказилаверади.

Бўлимимиз ва бригадамиз аъзолари ғўза парваришини шу кунларнинг юксак талаблари даражасида олиб бориш билан бир қаторда ҳосил йиғим-теримига ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Ҳамма турдаги техника воситалари мавсумга шай қилиб қўйилган. Ўтган йили тўрт қаторли пахта териш комбайни билан 315 тонна «оқ олтин» териб берган эдим, бу йил 350 тонна термоқчиман.

Мусобақадош дўстим Лапас Раҳимов! Бўлимингиз ва звеноингиз аъзоларига улкан пахта хирмони бунёд этишда ғалабалар тилайман. Зиммамиздаги социалистик мажбуриятларимизни шараф билан бажариб, районимизнинг 100 минг тонналик ҳамда жонажон Ўзбекистонимизнинг 5 миллион 850 минг тонналик пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшайлик. Бу бизнинг КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига муносиб совғамиз бўлади.

ОРБИТАДАН ЯНГИЛИКЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 12 август. (ТАСС). Леонид Попов билан Валерий Рюмин Ер атрофи орбитасида ўн саккиз ҳафтадан бери ишламоқдалар. Бугун «Салют-6» — «Союз-37» илмий-тадқиқот комплексининг экипажида планетанинг соя томони ва ёритилган томонидан учиб ўтишда космик аппаратларни мўлжал олдириш методларини пишиқтириш борасидаги техник эксперименталр, ерни визуал кузатиш ва фотосуратга олиш, жисмоний машқлар ўтказиш режалаштирилган.

«Кристалл» технологик установкасида Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикасининг олимлари биргаликда тайёрлаган космик материалшуносликка доир экспериментлар ўтказилмоқда.

АФҒОНИСТОНДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

Афғонистон Демократик Республикаси пропаганда ходимларининг делегацияси Ўзбекистон билан танишиб чиқди. Қўшни дўст мамлакатдан келган идеология ходимлари республиканинг бир қанча областларида бўлиб, ўз ҳамкасблари билан учрашдилар, уларнинг иш тажрибаларини ўргандилар.

Афғон пропагандистлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги, республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлими президиуми раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Гайк Аветисович **Габриельянци** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Шахсий меҳнат совғалари—КПСС XXVI съездига

ЗАРБДОР ЭГИЗАКЛАР

Октябрь Революцияси орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли К. Е. Ворошилов номли Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи коллективининг ўзига хос, ҳамма ибрат олса арзийдиган меҳнат анъаналари бор. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари: Мустақим Юсупов, Наталья Удалова, Борис Ефремов, КПСС Марказий Ревизия комиссияси аъзоси, республика Олий Совети депутати Маҳмуджон Мўйдинов, Ленин ордени меҳнат ветерани Фозил Солихўжаев сингари эл-юрт ардоқлаётган таниқли ишчилар ана шу корхона фарзандларидир. Азамат ишчилар синфининг бу етук вакиллари изидан бориб, завод солномасига олтин саҳифалар битаётган ёшлар — ҳозир ҳаммаларнинг фахри бўлиб қолди. Ака-ука Ҳасан ва Ҳусан Ҳошимовлар шулар жумласидан.

— Мен, — дейди завод партия комитети секретарининг ўринбосари С. К. Носовец, — улар билан ҳар сафар кўришганимда халқнинг: «Арслон изидан, йигит сўзидан қайтмас», — деган нақлини эслайман.

Сергей Константиновичнинг гапида жон бор. Бутун мамлакат буюк доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига қизғин тайёргарлик бошлаб юборган кезларда Ҳасан Ҳошимов етакчилигидаги бригада аъзолари ажойиб ташаббус билан майдонга чиқдилар. Улар Ильич юбилейига қадар беш йиллик топшириқни бажаришга сўз беришди. Ҳусан ҳам акасидан қолишмасликка интилиб, оила шарафи учун кураша бошлади.

Гарчи улар ёш бўлса-да, ҳар соҳада пешқадамлиги, тинимсиз изланишлари, янгиликка интилишлари билан коллектив обрў-эътиборини қозонишганди. Шу туфайли Ҳасан ВЛКСМ XVIII съездида қатнашди. Тошкент партия комитети аъзолигига сайланди. Унинг кўксини учничи даражали Меҳнат шуҳрати ордени безади.

Ҳусан эса Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлди. Район Совети депутати сифатида халқ хизматини адо этмоқда. Шундай иззат-икром билан берган ваъданинг устидан чиқмаслик йигит кишига асло ярашмайди. Ҳасан-Ҳусан Ҳошимовлар ҳар дақиқадан унумли фойдаланиш, рационализаторлик таклифларини дадиллик билан жорий этиш орқали мақсадларига етишди. Ҳозир эса КПСС XXVI съезди шарафига зарбдор меҳнат вахтасида туришибди.

Яқинда корхона маъмурияти иккала ака-укани мастерлик вазифасига тайинлади. Ўз участкаларидаги ҳар бир ишчини самарадорликни ошириш, бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан унумлироқ ишлаш, моддий ресурслар ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш руҳида тарбиялаш — мастер зиммасида. Омад сизга ёр бўлсин, Ҳасан ва Ҳусан!

Э. ҲУЖАЕВ.

Суратда: Ҳасан ва Ҳусан Ҳошимовлар.

А. Тўраев фотоси.

Қирғизистон пахтакорлари Андижон далаларида

АНДИЖОН, [«Совет Ўзбекистони» мухбири]. Андижон область пахтакорлари узоқ йиллардан буён қардош Қирғизистон ССРнинг Ўш области пахтакорлари билан мусобақалашиб келадилар. Икки областнинг меҳнат аҳли ўртасида дўстлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Андижонлик ва ўшлик пахтакорларининг ҳар йили ўтказиб туриладиган ўзаро текширишлари айниқса яхши самаралар бермоқда. Мусобақадошлар бир-бирларидан мўлкўл ҳосил етиштириш сирларини ўрганмоқдалар. Илғор тажрибаларни ўртоқлашмоқдалар.

Ўш областидан келган азиз меҳмонлар мусобақадош Андижон областининг районларида бўлишди. «Қорасув» совхозининг директори Сергей Иванович Чертов бошчилигидаги қирғизистонлик пахтакорлар Хўжаобод райони хўжаликларида бўлишиб, мусобақа шартларининг бажарилишини кўздан кечирдилар.

Район хўжаликларида мажбуриятнинг шараф билан бажарилишини таъминлаш юзасидан социалистик мусобақа кенг авж олдирилди. Бу борада «Россия», «Ленинград», «Ўзбекистон» ва Абдулла Набиев номли колхоз пахтакорларини алоҳида намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Улар шу кунларда бутун диққат эътиборни ҳар туп ғўзада мўл ҳосил тўплаш, экинни қондириб суғориш, қатор ораларини пешма-пеш юмшатиш, зараркунандаларга қарши кураш ишларини сифатли ўтказишга қаратмоқдалар. Мусобақадошлар мазкур хўжаликларида қилинаётган ишлардан хурсанд бўлишди.

Лекин, районнинг барча хўжаликларида иш бирдай ташкил этилган деб бўлмайди. Меҳмонлар айрим хўжалик ва бригадаларда ғўза парваришида жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганини аниқлаб, улар бу камчиликларни тезда бартараф этиш юзасидан фойдали маслаҳатлар бердилар. Мусобақадошлар Карл Маркс номли колхознинг Эргашбой Йўлдошев бригадасида дала ишлари сифатсиз ўтказилаётганини кўриб ранжидилар. Бригаданинг катта пайкалида сувдан кейин культивация ўз вақтида ўтказилмаётганлиги аниқланди. Натижада эгатларда етарли нам сақланмаган. Бу ғўза ривожига, ҳосил тўпланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бригада дала шийпони кўнгилдагидек жиҳозланмаган. Бу ерда колхозчиларнинг унумли ишлашлари ва хордиқ чиқаришлари учун шарт-шароит яратилмаган.

«Победа» колхозининг О. Курбонов бошлиқ бригадаси далаларида ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин: бу бригада далаларида колхозчилар кам кўринишади. Чеканка сифатсиз ўтказилаётганлиги туфайли ғўзаларнинг ён шохлари ўсиб, бир-бирига чирмашиб кетган. Бригаданинг айрим пайкаллари ғўза чанқатиб қўйилган.

Ўзаро текшириш жараёнида районнинг бошқа хўжаликларида ҳам шундай камчиликлар мавжудлиги маълум бўлди. Мусобақадошлар хўжаободлик дўстларига ғўза парваришини янада авж олдириш, культивация, суғориш ва ҳашаротларга қарши курашни пахта йиғим-теримигача бўшаштирмаслик, айни пайтда теримга пухта тайёргарлик кўриш юзасидан фойдали маслаҳатлар бердилар.

А. ҚУРОНБОЕВ.

Суратда: учрашув пайти.

В. Мусаэльян телефотоси. (ТАСС).

Л. И. Брежнев Э. Хонеккер билан учрашди

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 11 август куни Қримда қисқа муддатли дам олиш учун Совет Иттифоқига келган ГБСП Марказий Комитети Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер билан дўстона учрашди.

Учрашув қатнашчилари ҳар икки мамлакатнинг коммунистлари, меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ва ГБСП X съезди арафасида қилаётган ишлари тўғрисида бирбирларига ахборот бердилар. КПСС билан ГБСП ўн йилликлар мобайнида жуда катта снёсий ишларни бажарди. Бунинг натижасида Совет Иттифоқи ва ГДР халқлари иттифоқчи, сафдош, дўст бўлиб қолдилар.

Ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам пойдеворга таянади. Партия, давлат ва жамоат йўли билан кўп қиррали тез ривожланиб бораётган алоқалар, мустаҳкам идеологик ҳамкорлик, иқтисодий соҳада биргаликда олиб борилаётган ишлар бунинг далилидир. Келгуси беш йилликда ҳар икки мамлакат ўртасида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаш программасида, шунингдек Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ишлаб чиқилган ва узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорликнинг тармоқ программаларида кўзда тутилган интеграция тадбирлари кенг комплексини амалга ошириш белгиланган. Шу билан бизга машинасозлик, асбобсозлик, химия саноати соҳасида ва фан-техникани тараққий эттириш учун жуда муҳим аҳамиятга молик бўлган бошқа соҳаларда ҳамкорлик янада кенг қулоч ёзади.

Л. И. Брежнев билан Э. Хонеккер халқаро сиёсатнинг муҳим проблемалари юзасидан фикрлашиб олишди. Улар энг реакцион империалистик доиралар ва Пекин гегемончиларининг халқаро кескинликни кучайтиришга қаратилган йўли ўз олдига қўйган мақсадларга эришмаётган бўлса ҳам, вазият мураккаб ва кескинлигича қолмоқда, деб таъкидладилар. Мавжуд низоли ҳолатларни адолатли тарзда бартараф қилиш йўлида олга силжиш бўлмаяпти. АҚШ социалистик давлатларга нисбатан ҳарбий устунлик кетидан қувиб, қуролланиш пойгасини кучайтирмоқда, ўз шерикларини шунга ундамоқда, халқаро ҳаётни мураккаблаштираётган проблемаларни музокаралар йўли билан ҳал этишдан бўйин товламоқда. Айни чоғда шу нарса аёнки, тенглик ва бир хил даражадаги ҳавфсизлик принципига қаттиқ риоя қилиш асосида қуролсизланиш сари реал бурилиш ясалиши таъминланган тақдирда тинчлик ишончли ва мустаҳкам бўлади.

СССР ва ГДР Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа мамлакатлар билан биргаликда Европада ҳарбий кескинликни юмшатиш, ҳарбий муҳолифлик даражасини пасайтириш, тадбирларини амалга оширишга бундан бўён ҳам эришиш ниятидадир. Ҳарбий кескинликни юмшатиш ва қуролсизланишга бағишланган Европа конференцияси бу йўлда жуда катта босқич бўлиб қолиши мумкин. Бу конференцияни чақириш тўғрисида Мадридда ўтказиладиган учрашув давомида бамаслаҳат бир қарорга келиш жуда зарур.

Л. И. Брежнев билан Э. Хонеккер кескинликни юмшатиш жараёнини ривожлантириш ва бу жараённинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришда босқич бўлиб қолган халқаро шартномалар ва битимларга ҳалол муносабатда бўлишни ғоят муҳим, деб ҳисоблайдилар. Шу муносабат билан социалистик Германия Демократик Республикасининг, шунингдек бошқа ҳар бир суверен давлатнинг қонуний манфаатларини астойдил ҳурмат қилиш зарур эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Суҳбат вақтида XXII Олимпиада ўйинлари жуда катта муваффақият қозонганлиги қайд қилинди. Москва Олимпиадаси кўп жиҳатдан ибратли воқеа бўлиб қолди. Бу Олимпиада халқлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни кимлар ёқлаб чиқаётганлигини ва кимлар бунга қарши эканлигини амалда кўрсатиб берди.

Л. И. Брежнев билан Э. Хонеккернинг учрашуви самимий вазиятда ўтди ва муҳокама этилган барча масалалар юзасидан фикрларнинг бир хил эканлигини намойиш этди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ердамчиси А. И. Блатов қатнашдилар. (ТАСС).

ОЛТИН ФОНДИМИЗ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ЛЕНИНЧА ИШ УСЛУБИ

КПСС XXV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган областимиз меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллиқнинг якунловчи йилида 600 минг тонна «оқ олтин» хирмони бунёд этишга бел боғлаганлар. Область индустриясининг собитқадам, фидойи кишилари ҳам таҳсинга сазовор ишларни амалга оширмоқдалар. Маориф, соғлиқни сақлаш ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида ҳам сўнгги йилларда жиддий тадбирлар амалга оширилди.

Эришилаётган муваффақиятларда корхона, муассаса, колхоз ва совхозлар, хўжаликлар раҳбарларининг шахсий ибрати шубҳасиз, ғоятда муҳим роль ўйнамоқда. «Яхши ўйлаб иш қиладиган, иш кўзини биладиган, социализмга садоқатли бўлиш билан бирга, жуда кўп кишининг совет ташкилоти доирасида аҳил бўлиб, биргалашиб, пухта ишловини жимгина (тўс-тўполон ва шовқин-суронга парво қилмасдан) йўлга қўяладиган кишиларни, чин ташкилотчиларни мумкин қадар эҳтиётлик ва чидам билан синаб, билиб олишга ҳаракат қилаверамиз, — деган эди В. И. Ленин. — Фақат ана шундай кишиларнигина ўн марта синаб кўргандан кейин, энг оддий вазифалардан энг қийин вазифаларга кўтармоқ керак».

Областимизда раҳбарликнинг барча звеноларида ҳар жиҳатдан чиниққан, йиллар синовидан ўтган, малакали, ғоявий баркамол кўплаб кадрлар фаолият кўрсатмоқдалар. Али Пайғамов кўп йиллардан буён областимизнинг энг йирик районларидан бири — Ўзбекистон район партия комитети биринчи секретарлиги лавозимида муваффақиятли ишлаб келмоқда. Партия ходимига хос бўлган энг яхши фазилатларни ўзида мужассамлаштира билган иқтидорли коммунист — катта ташкилотчилик қобилияти, аҳолининг барча қатламлари, кенг меҳнаткашлар оммасининг кўнглига йўл топа билиш маҳорати, қолаверса, ташаббускор ҳамда ишбилармонлиги билан область партия ташкилоти, эл-юрт олдида катта обрў ҳамда эътибор топган. Коммунистлар етакчисининг иш услубига хос бўлган халқчиллик, ижодийлик ва ошкоралик район партия ташкилотина, райондаги барча масъул раҳбар ходимларни меҳнаткашларнинг барча қатламлари билан узвий боғлаш, уларнинг орзу-умидлари, интилишлари, борингки, кўнглидаги ҳамма гапларни сезиб, ҳис этиб туриш, улар билан юзма-юз гаплаша билиш учун зарур шарт-шароитларни майдонга келтирган. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида иккй бор ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритган район йил сайин қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан пахтадан энг юқори ҳосил олиш билан бирга, маданий қурилиш соҳасида ҳам қувончли ютуқларга эришмоқда. Бу камтарин ва меҳнаткаш, талантли партия ходими А. Пайғамов ва у етакчилик қилаётган райком, унинг бюросининг катта ташкилотчилик ишлари натижасидир. Коммунистлар ва барча меҳнаткашлар билан ишлашнинг энг яхши намуналарини кўрсатаётган райком секретарининг шахсий ибрати, ундаги энг яхши фазилатлар райондаги бошқа кўпгина масъул ходимлар учун ҳам хос эканлиги кишини мамнун этади.

Ижодий фазилатлари билан эл-юрт ўртасида обрў-эътибор топган, номлари ҳамиша ҳурмат ва эътиз билан аталадиган, партия, давлат, халқ манфаатидан бошқа манфаатни ўйламайдиган, ибратли ишлари билан оммага ҳамиша ўрнак бўлиб келаётган ажойиб фазилатли кадрларимиз сафи кенгайиб бораётганлиги қувончлидир. Халқ депутатлари Ленинград район Совети ижроия комитетининг раиси Тоҳиржон Исмоилов худди ана шундай раҳбарлар жумласига киради. Ишчанлиги, ташаббускорлиги билан катта обрў қозонган Т. Исмоиловнинг самарали меҳнатлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У тўрт чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвонга сазовор бўлди.

Партия ходими сифатидаги кўп қуватишлар, суҳбат ва таҳлиллардан маълумки, колхоз ва совхозлар, корхона ва муассасалар ўқув юртлари ҳамда бошқа меҳнат коллективларидаги раҳбарларнинг аксарияти маданиятли, чуқур билимли, фикр ва мулоҳаза кўламлари кенг, салоҳиятли ходимлардир. Фрунзе районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси Ҳ. Худойбердиев, Киров районидаги «Бешариқ» совхози директори И. Мелиев, Ленинград районидаги «Социализм» колхозининг раиси Қ. Собиров, Қува районидаги Димитров номли колхоз раиси А. Юнусов, Фарғона районидаги «Фарғона» совхозининг Қуйбишев номли бўлими бошқарувчиси И. Сиддиқов, Марғилон шаҳридаги абрли газламалар «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Р. Бобобеков, Қувасой паррандачилик фабрикаси директори С. Ли ҳамда яна неча ўнлаб раҳбар кадрларимиз ҳақида ана шундай яхши фикрларни айтишимиз мумкин.

Омманинг етакчиси бўлган, кенг меҳнаткашлар оммасини улуғвор ишлар, план ва топшириқларни бажаришга даъват этувчи, ўзи раҳбарлик қилаётган корхона, муассаса ёҳуд хўжалик учун ҳам моддий, ҳам маънавий жавобгар бўлган раҳбарлар ҳар жиҳатдан соғлом, ғоявий баркамол бўлиши шарт. Манманликка берилган, такаббур, даг-дага ва дўқ-пўписа билан иш битиришнинг пайидан бўлган кишилар бугунги кунда раҳбарлик лавозимларида ишлашга қодир эмас. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездига Ҳисобот докладида таъкидлаб ўтганидек: «Масъулиятни сезмайдиган, мансабнинг ўзи обрў ва ҳурматни таъминлаб беради, деб ўйлаб, эски билимини рўкач қилиб яшайдиган кишиларни раҳбарлик ишида қолдириш сира ҳам мумкин эмас».

Халқдан, коллективдан ажралиб қолиш, «Ҳаммадан ўзим билимдон, ўзим ақллиман», деган қайфиятда катта-кичик билан ҳисоблашмай қўйиш каби иллатлар ҳеч сўзсиз кишини тубанликка боғлайди. Риштон районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозининг собиқ директори Х. Мақсудов ана шундай тоифадаги шахслар жумласидан эканлиги маълум бўлиб қолди. Унинг табиатига хос бўлган димоғдорлик ва такаббурликка бора-бора ўзбилармонлик, манманлик каби иллатлар ҳам қўшилиб кетди. У коммунистларнинг танбеҳларига, ижтимоий маслаҳатларига қулоқ солмай қўйди. Шахсий манфаати йўлида совхозининг кўплаб чорва молларини ўзлаштирди, талон-торож қилди ва кўзбўямачилик билан шуғулланди. Кўпчиликнинг юзига оёқ қўйган партия аъзоси, раҳбарга хос ҳис-туйғуларини йўқотган Х. Мақсудов ўз вазифасидан олиб ташланди. Фарғонадаги 225-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Э. Абдулҳақов ҳам давлат ҳисобига саҳийлик қилиб, ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот ишларини барбод этиб, жамоатчилик эътиборидан қолди.

Фан ва техника гуркираб ўсган, аҳолининг барча қатламлари маърифатли, маданиятли, тобора ўқимишли бўлиб бораётган ҳозирги пайтда раҳбарнинг муомала маданияти ҳам замон талаби даражасида бўлиши шарт. Эндиликда раҳбар ходимнинг ўз қўли остидагиларга баланд пардаларда сўзлаши, зўғумди фармойишлар бериши, жоҳилларча дағдағалар қилиши фақат энсани қотиради.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, областнинг шаҳар ва қишлоқларида, колхоз ва совхозлар, корхона ва муассасаларда раҳбарлик лавозимларида ишлаётган кадрларимизнинг кўпчилигида ҳозирги замон раҳбарларига хос фазилатлар ёрқин намоён бўлмоқда. Ана шундай кишилар орасида ёшлар, айниқса хотин-қизлар сафи кенгайиб бораётганлиги қувонарли. Бундай кадрларни биз ҳақли равишда олтин фондимиз, деб аталмиз.

Ҳ. УМАРОВ,
Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ОЛДИНГИ САФДАГИЛАР

БУХОРО. («Совет Ўзбекистони» махсус мухбирларидан телефон орқали олинди). Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳрини улкан қурилиш майдонига қиёс қилгулик. Ҳамма қайси, тарафига боқманг ҳамма ёқда улкан минорали ва кўпқиқимон кранларни, баланд-баланд ҳавозаларни кўрасиз. Ҳа, азим Бухоро ҳам энига, ҳам бўйига кенгаймоқда. Кўплаб саноат корхоналари бунёд этилмоқда, янгидан-янги маданий-маиший муассасалар шаҳар ҳуснига ҳуси қўшмоқда.

Республикамиз енгил саноатининг гигантларидан — Бухоро тўқимачилик комбинатининг иккинчи навбати эса ўнинчи беш йиллиқнинг якунловчи йилида ишга тушириладиган зарбдор қурилиш объектларидан биридир. Шу туфайли ҳам бинокорлар ва монтажчилар ишни жадаллаштириб, бутун куч ва имкониятларини сафарбар этяптилар. Комбинатни ўз муддатида фойдаланишга топшириш учун бригада ва звенолар ўртасида съездолди социалистик мусобақаси кундан-кунга қизитилмоқда.

Бухородаги 163-қурилиш тресті коллективи бешинчи йиллиқнинг ана шу зарбдор объектида бош пудратчи сифатида меҳнат қилмоқда. Тресда КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарорига амалий иш билан жавоб бериш ҳаракати тобора оммалашаётир. Бошқармалар, бригада ва участкалар КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига ўз имкониятларини қайта кўриб чиқдилар. Моддий ресурсларни марказлаштириб ишлатиш, ички резервларни сабот билан қидириб топиш, уларни ҳаракатга келтириш оққали планга қўшимча ҳажмдаги иш бажариш — ана шу коллективларнинг жанговар шиоридир. Жумладан, республикамизнинг таниқли бинокорлари: Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ҳасан Атоев ва Ленин орденли бинокор Исмат Истамов етакчилик қилаётган бригадалар илғорлари мажбуриятларига тузатиш киритишди. Шунга кўра бунёдкорлар Улуғ Октябрнинг 63 йиллигигача ўн йиллик ҳажмидаги топшириқни шараф билан уддалаш, йил охиригача эса яна тўрт ойлик планни дўндириш мақсадида социалистик мусобақага эўр беряптилар.

Яқинда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор Исмат Истамов бошлиқ коллективда қувончли воқеа содир бўлди. Бригада коммунистлари гишт терувчи Мансур Ҳусановни КПСС аъзолигига номзодликка тавсия қилдилар. Ўша йиғилишда Мансур қаяжонини яширолмай:

— Бу мен учун юксак ишончдир, — деди ўртоқларига қараб. — Ишончингизни меҳнатим билан оқлашга ваъда бераман.

Мансур йиғилишдан сўнг бригадири Исмат ака ёнига бориб, унга қайта-қайта миннатдорчилик билдирди.

— Раҳмат! Ҳаммаси учун ташаккур. Сиз мендан ҳеч нимани: бой тажрибангизни, маҳорат сирларингизни, қимматли вақтингизни, куч ва ғайратингизни аямадингиз. Юзингизни ҳеч қачон ерга қаратмасликка ҳаракат қиламан.

Ҳа, Мансур бригада бошлиғи кўмагида шахсий нормасини ошириб бажаришни, кичик механизация воситаларидан оқилона фойдаланишни ўрганди. Мана эндиликда у Бухоро тўқимачилик комбинатининг иккинчи навбатини — йигирув фабрикасини белгиланган муддатдан бир ой олдин топширамиз!» — бу корхона бинокорлари ва монтажчиларининг қалб сўзи.

Зиммага олинган мажбуриятларнинг бажарилиши шак-шубҳасиздир. Ишнинг бориши шундай дейишимизга асос беради. Масалан, ҳом ашё сақланадиган омборда панелларни монтаж қилиш графикда бормоқда. Томга ёпиладиган плиталар жадал суръатлар билан ўрнатилаяпти.

Йигирув фабрикаси ишга туширилгач, корхона ҳар йили 120 миллион метр ип-газлама учун ҳом ашё тайёрлайдиган бўлади. Бу кунлар узоқ эмас.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ — КПСС XXVI СЪЕЗДИГА

БЕШ ЙИЛЛИККА—ЗАРБДОР ЯКУН!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИГА ҚАРАШЛИ 26-ЖАРҚЎРҒОН ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚАБУЛ ҚИЛГАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

26-Жарқўрғон қурилиш тресті коллективи КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажара бориб, 1980 йил ярим йиллик пудрат ишлари давлат планини барча техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ва объектларини ишга тушириш бўйича муваффақиятли бажарди. Чунончи, якунловчи йил олти ойлик қурилиш-монтаж ишлари топшириғи 113,3 процент адо этилди. Пудратчи ўз кучи билан 120,4 процент иш бажарди. 1980 йилнинг июнь ойида уй-жойларни ишга тушириш беш йиллик плани — 101,8, мактаблар — 118,0, болалар боғчаларини фойдаланишга топшириш плани 114,0 процент уддаланди. Касалхона, клуб, чорвачилик бинолари ва омборларни ишга тушириш беш йиллик планлари ҳам ошириб бажарилди.

Биз, трестимиз коллективининг 1977, 1978, 1979 йиллар якунлари бўйича сурункасига уч марта КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қароридан руҳланиб, зиммасига қўйидагича социалистик мажбуриятлар қабул қилади:

1. Бош пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишлари йиллик плани Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига, беш йиллик план шу йил август ойига қадар адо этилади. Пландан ташқари 18 минг квадрат метр уй-жой, 1800 ўқувчига мўлжалланган мактаб, 280 ўринли болалар боғчаси барвақт қуриб битказилади.

2. 1980 йил планида кўзда тутилган ишга тушириладиган барча объектлар қурилиш-монтаж ишлари яхши ва аъло сифат билан бажарилган ҳолда тўла фойдаланишга топширилади. Умумий майдони 37 минг квадрат метр (бунинг 10 минг квадрат метри пландан ташқари) уй-жой қуриб ишга туширилади.

3. Меҳнат унумдорлиги 1980 йил планида белгиланганига нисбатан 0,2 процент ошади.

4. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг 80 процентн пудратчи бригадалар кучи билан адо этилади.

5. КПСС XXVI съезди очиладиган кунга қадар 1981 йил икки ойлик қурилиш-монтаж ишлари плани уддаланиб, 4 минг квадрат метр уй-жой ва 90 ўринли болалар боғчаси қуриб ишга туширилади.

Трест коллективи жонажон Коммунистик партиямизнинг XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора авж олдириб, зиммасига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришга астойдил ҳаракат қилади.

Ушбу социалистик мажбуриятлар 26-Жарқўрғон қурилиш тресті коллективи йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

Андижондаги СССР 50 йиллиги номли «Электродвигатель» заводида калавалаш цехи фойдаланишга топширилди. Бу ерда меҳнат жараёни тўла механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган. Корхонанинг «4 А—100» серияндаги электродвигателига давлат Сифат белгиси берилди. Янги цехнинг фойдаланишга топширилиши билан маҳсулот ишлаб чиқариш анча ўсади. Цех ишчилари КПСС XXVI съезди шарафига олган мажбуриятларини бажариш учун ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Суратда: 1981 йил ҳисобига меҳнат қилаётган илғор ишчилардан Бозорхон Шокирова билан Мунаррамхон Исроиловалар.

Р. Ашуров фотоси. (ЎзТАГ).

ЯНГИ ҚУВВАТЛАР

Жиззахдаги қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг «Прокатдеталь» заводи биринчи навбатининг реконструкцияси муддатидан илгари тугалланди. Бу ерда янги технология линияси монтаж қилиб бўлинди. Корхонанинг қуввати аввалдагига нисбатан уч баравар ортди.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг хили ҳам кўпайди. Эндиликда завод томларни ёпиш учун плиталар ишлаб чиқаришдан ташқари кичик ҳажмдаги темир-бетон маҳсулотлари ҳам тайёрламоқда. Бу маҳсулотлар Жиззах ва Мирзачўлда

мусобақа Эҳтиёлари

барпо этилаётган хўжаликлар посёлкалари учун жўнатилмоқда.

Ишга туширилган янги технология линияси бир йилда 67 минг квадрат метр уй-жой қуришга етарли миқдорда маҳсулот тайёрлаб беради.

ҚИЗЛАР ПЕШҚАДАМ

Самарқанд шойи тўқиш бирлашмасининг коллективи КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, меҳнатда яхши кўрсаткичларни қўлга киритмоқда. Бунда илғорлар алоҳида ўрнак кўрсатишмоқда. Бирлашмада кенг авж олган социалистик мусобақада илғор ишчи Майсара Ашурованинг ибрати алоҳида диққатга сазовор. Майсара — коммунистик меҳнат зарбдори. Смена топшириғини ҳаз доим 120—130 процент қилиб бажармоқда. Илғор ишчи КПСС XXVI съезди шарафига ўз заммасига қўшимча мажбурият олди. Съезд очиладиган кунгача ўн ойлик топшириқни бажаришга сўз берди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ҚАРШИ ШАҲАР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИ:

— Совхозлар тресті қурилиш-ремонт бошқармаси ходимларидан бир группасининг бошқарма бошлиғи Т. Ражабовнинг нотўғри хаттиҳаракатлари хусусидаги шикоят хати шаҳар халқ контроли комитети комиссияси томонидан текширилди.

Текширишда аризада қайд этилган фактлар қисман тасдиқланди. Шу жумладан, кадрлар қўниқмаслигига, қурилиш материалларини сотиш қоидаларининг бузилишига йўл қўйилган.

Текшириш натижаси область қорақўлчилик совхозлари тресті советида қурилиш-ремонт бошқармасининг бош мутахассислари иштирокида муҳокама қилинди.

Камчиликларга йўл қўйганликлари учун Т. Ражабовга виговор берилди. Кадрлар бўлими бошлиғи Е. А. Хохлова эса қаттиқ огоҳлантирилди.

Ҳозирги вақтда қурилиш материалларининг кирмончиқими тартибга келтирилди, шунингдек, қурилиш-ремонт бошқармаси бухгалтерияси ва ҳисобида қабул қилиб олинаётган эҳтиёт қисмларнинг турлари бўйича карточкалар очилган.

ХАТИРЧИ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Райондаги «Партия XXII съезди» колхози территориясида истиқомат қилувчи У. Раҳимов ва бошқаларнинг шикоят хати юзасидан текшириш ўтказилди.

Текширишда колхознинг бригада бошлиғи Ибодулла Хушвақтовнинг ноўрин хатти-ҳаракатлар қилганлиги асосан тасдиқланди. Бригада аъзоларининг умумий йиғилишида бригадир И. Хушвақтовнинг хулқи кенг муҳокама қилинди ва у вазифасидан четлаштирилди.

СОВЕТ ШАРҚИ МУСУЛМОНЛАРИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг бошлиғи муфти Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон Исроил парламентининг Қуддус хусусида ивогарлик руҳида чиқарган қарори тўғрисида матбуот учун баёнот берди.

«Исроилда мусулмонларнинг муқаддас жойини Исроилнинг «абадий», «ягона ва дахлсиз» пойтахти деб эълон қилувчи қонун лойиҳаси маъқулланди. Биз бу қонун лойиҳаси бутун ислом дунёсига, халқаро жамоатчиликка ва БМТга нисбатан қилинган қўпол дағдага деб ҳисоблаймиз», — дейилади бу ҳужжатда.

Муфти Бобохоннинг баёнотида таъкидлаб ўтилганидек, «Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари АҚШ маъмуриятининг тутган йўлидан қаттиқ даргазаб бўлдилар. Исроил АҚШ маъмуриятининг ҳомийлигида БМТ қарорларини бажаришдан бўйин товламоқда ва Бош Ассамблеянинг резолюцияларини ошкора сурбетлик билан «бир парча қоғоз» деб эълон қилмоқда».

Совет Шарқининг мусулмонлари БМТ Бош Ассамблеяси VII фавқулодда махсус сессиясининг резолюцияси маъқуллаётганликларини изҳор қиладилар. Бу резолюция Исроилни 1967 йилда босиб олинган барча араб территориясларидан, шу жумладан, Қуддусдан тамомила ва сўзсиз чиқиб кетишга даъват этади.

Муфти Бобохон ислом динига эътиқод қилувчиларга мурожаат этиб, «биз адолатнинг ёвузлик устидан қозонадиган тантанаси шоҳиди бўлишимиз керак», деб уқтириб ўтди.

Тошкент. (ТАСС).

УЙ-ЖОЙ ҚОНУНИ АСОСЛАРИ ЛОЙИҲАСИ — МУҲОКАМАДА

УМУМХАЛҚ БОЙЛИГИ

Совет уй-жой қонунчилиги гражданларнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқларини таъминлашга ёрдамлашмоғи, уй-жой фондини яхши сақлашга кўмаклашмоғи керак. СССР Министрлар Совети СССР Олий Совети Президиумига тақдим этган ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар уй-жой қонуни асослари лойиҳаси ана шу вазифани бажаришга қаратилгандир.

Мамлакатимизда меҳнаткашларнинг уй-жой шароитини яхшилаш учун жуда кўп иш қилинмоқда. Лекин ҳозир гап бизда қанча уй-жой қурилгани тўғрисида эмас, балки бу уйлардан қандай фойдаланямиз, уларни қанда? сақлаямиз, ана шу ҳақда бориш истайман. Ахир уйларимизнинг узоқ муддат хизмат қилиши ундан қандай фойдаланишимизга ва қанчалик авайлаб-асрашимизга боғлик.

Тошкентнинг асосий уй-жой фонди маҳаллий Советлар ихтиёриладир. Бу уй-жойлардан фойдаланиш идоралари, ремонт-қурилиш ташкилотлари ташкил этилган бўлиб Тошкент шаҳрининг ўзида ана шундай коллективларда 8 мингдан ортиқ қўши ишламоқда.

Уй-жой фонди мураккаб, кўп тармоқли хўжаликдир. Аварий-диспетчерлик хизматининг слесарлари ва электрчилари аҳолининг сигналига мувофиқ ҳар қандай камчиликни тугатиш учун тайёр ҳолда туну кун навбатчилик қиладилар.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бундай кўрикларнинг ўтказилиб туриши уй-жойлар, квартиралар, инженерлик иншоотларининг техник аҳволини яхшилашга ёрдам бермоқда. Энг яхши микрорайон, уй-жой ва алоҳида квартиралар учун аҳоли ўртасида мусобақа авж олаётир. Бунда намунали жамоат тартибини сақлаш, оммавий, маданий ва тарбиявий ишлари олиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шаҳар уй-жой бошқармаси ҳозирги вақтда қишга тайёрлик ишларини авж олдириб юборди. Томлар ремонт қилинмоқда. Иситиш системалари ювилиб, текширилиб кўрилмоқда.

Уй-жой фондини қишга тайёрлашда партия ва совет органлари, депутатлар, жамоатчи активлар аҳолининг ўзи катта ёрдам кўрсатмоқда. Бироқ, квартиралардан фойдаланувчиларнинг ҳаммаси ҳам ўз квартираларини намунали ҳолда сақлайдилар, деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам уй-жой қонунлари асосий лойиҳасини маъқуллаш билан бирга биз унинг 44-моддасини «Давлат уй-жой фонди — умумхалқ бойлигидир. Уни сақлаш ҳар бир гражданнинг бурчидир» — деб тўлдиришни таклиф қиламиз.

У. РИЗАЕВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети уй-жой бошқармасининг бошлиғи.

ДАВР ТАЛАБИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИГА КЎМАКЛАШУВЧИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИДА

Яқинда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика совети Ўзбекистон ССРнинг саноат корхоналарида қўл меҳнатини механизациялашга қаратилган тадбирларни жорий этиш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Республика кенгаши шу нарсани таъкидладики, ўнинчи беш йиллиқнинг ўтган йиллари мобайнида республикадаги саноат корхоналари, идоралар ва бирлашмаларда қўл меҳнатини механизациялаш, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ҳамда самарадорлигини ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Биргина 1979 йилнинг ўзида республика саноатида 520 дан зиёд механизациялашган поток ва автоматлашган линия ўрнатилди. 700 тадан зиёд участка ва цех комплекс механизациялаштирилди. Ҳозир асосий ишлаб чиқаришларда 362 та комплекс механизациялашган корхона ишлаб турибди. Бу тадбирлар туфайли сўнгги уч йил ичида республика саноатида 20 мингдан зиёд кишини бошқа участкаларга ўтказиш имкони туғилди.

Шу билан бирга айрим министрликлар ва идоралар да, кўпгина саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни техникавий қайта қуроллантиришга, оғир қўл меҳнатини қисқартиришга, қўл кучи билан бажарилувчи ишлар ҳажмини камайтиришга етарли даражада аҳамият берилмаяпти. Ўнинчи беш йиллик мобайнида омборхона ишларида ҳамда юк кўтариш-ташишида механизациялаш даражаси бор-йўғи 0,6 процент ўсди. Қўл меҳнати салмоғи, айниқса, Озиқ-овқат, Пахта тозалаш, Бинокорлик материаллари саноати, Автомобиль транспорти министрликларида, Балиқ хўжалиги давлат комитети корхоналарида юқори.

Баъзи министрликлар, идоралар, корхоналар ҳамма ерда янги техника ва илғор технологияни жорий этиш, ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва техникавий қайта қуроллантириш, эскириб қолган асбоб-ускуналарни алмаштириш ҳамда модернизациялаш ҳақида ғамхўрлик қилмаяптилар. Натижада қўл меҳнатининг салмоғи камаймаяпти. Корхоналарнинг илмий-тадқиқот институтлари билан хўжалик шартномаси асосидаги алоқалари сust ривожланмоқда. Олимларнинг кўпгина қиймматбаҳо ечимлари йиллаб татбиқ этилмасдан қолиб кетяпти. Айрим илмий коллективлар ишлаб чиқаришнинг талаб ва эҳтиёжлари билан қизиқмайдилар. Оқибатда 1979 йили 17 та министрлик ва идора, жумладан, Тайёрлаш, Гўшт ва сут саноати, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, «Ўзплодоовощвинпром» бирлашмаси техника тараққиётига оид топшириқларни уддалай олмади. Халқ хўжалигида келтирилган асбоб-ускуналарни ўз вақтида ўрнатмаслик ҳолларига ҳам йўл қўйилмоқда. Бу нарса Химия саноати, Электр техника саноати, Қишлоқ хўжалиги министрликлари корхоналарида яққол кўзга ташланади. Масалан, ўтган йили қариб 1,5 мингта металл кесувчи ва 500 дан зиёд темирчилик-пресслаш дастгоҳлари ўрнатилмай қолди.

Республика совети ёрдамчи ишчиларнинг кам самарали қўл меҳнатини, ёрдамчи ишлаб чиқаришларда оғир операцияларни механизациялашга совуқконлик билан қаралаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, қўл меҳнати салмоғи, айниқса, омборхоналарда юкларни ортиш ва туширишда юқори. Шундай бўлишига қарамай, республикадаги мавжуд омборхоналарнинг атиги 20 процента механизациялаштирилган. Бунинг устига мавжуд механизациялашган ва автоматлашган линияларидан қониқарли фойдаланилаётгани йўқ. Механизациялашган поток линияларнинг 41 процента, автомат линияларнинг 40 процентигина лойиҳадаги қуввати даражасида ишлаяпти. Бир қатор министрликлар, идоралар ва бирлашмалар «1979—1980 йилларда Ўзбекистон ССР саноатида қўл меҳнатини механизациялаш» комплекс программасида кўзда тутилган барча тадбирларни сўзсиз бажаришни, янги техника, илғор технологияни жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, эскириб қолган асбоб-ускуналар ва механизмларни алмаштириш, рационализаторлик ва ихтиролчилик таклифларини татбиқ этиш йўли билан қўл меҳнатини қисқартириш планларининг бажарилишини текширишни тавсия этди.

Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш даражасини оширишда, қўл меҳнати ишларида банд бўлган ишчилар сонини қисқартириш суръатини ўстиришда, оғир қўл меҳнатига боскичма-боскич барҳам бериш учун назоратни кучайтиришда министрликлар, бирлашмалар ва корхоналардаги ишлаб чиқариш ва техника бўлимлари, экономика ва инженерлик хизмати ходимларининг масъулиятини ошириш катта аҳамиятга эга. Коллегияларнинг мажлисларида ва директорлар кенгашида ҳар кварталда камида бир марта меҳнат унумдорлигини ўстириш, янги техникани қўлланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаш, қўл меҳнати салмоғини қисқартириш планларини бажариш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир. Мавжуд корхоналарни реконструкциялашда, техникавий қайта қуроллантиришда, янги қувватларни қуришда барча ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялашга эришиш керак.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика совети республика Давлат план комитети, Ўзбекистон ССР Меҳнат бўйича давлат комитетига, Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш республика марказига, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига, тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртларининг илмий коллективлари, лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотларига, область, шаҳар ва район партия комитетлари ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи советларга ҳам бир қатор тавсиялар берди.

Тошкент районидаги Алишер Навоий номли колхозда эртаги, ўртаги ва кечки озуқабоп экинлардан йил сайин юқори ҳосил етиштирилиб, чорва моллар озуқа базаси мустаҳкамланмоқда, бу эса маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Суратда: илғор механизатор Суннат Ражаповни кўриб турибсиз. У кунлик ўрим графигини бир ярим-икки ҳиссага етказиб адо этмоқда.

ЎзТАГ фотохроникаси.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» РЕЙДИ

СУРХОНДАРЁДА МАШИНАЛАР ТЕРИМГА ТАХТМИ?

Сифат ва самарадорлик беш йиллигининг якунловчи йилида она-Ватан омборларига 550 минг тонна «оқ олтин», шу жумладан, 220 минг тонна ипак пахта тўкиш мажбуриятини олган Сурхон водийсининг лафзи ҳалол деҳқонлари ялпи ҳосилнинг қариб 70 процентини — 350 минг тоннасини машиналар бункеридан тўкишга қатъий сўз берганлар.

Базиятни тўғри тушунган кўпчилик районлар, колхоз ҳамда совхозларнинг раҳбарлари барча имконият ва резервларни ишга солиб, терим техникасини тўла ва сифатли ремонт қилиб қўйдилар. Ишни икки сменада ташкил этиш учун зарур бўлган механизатор кадрлар қайта тайёргарликдан ўтказилди. Ленин йўли, Термиз, Шеробод, Гагарин районларининг хўжаликлари терим техникаси ремонтини юз фоиз тугаллаганликлари ҳақида рапорт бердилар. «Ҳазорбог», Ленин номли, Охунбобоев номли, «ВЛКСМ 30 йиллиги», Абдулла Набиев номли, «Пограничник» совхозларида, Термиз районидаги Жданов номли, Денов районидаги Охунбобоев номли ва бошқа ўнлаб колхозларда терим агрегатлари аллақачонлар сифатли ремонт қилиниб, сафга тизиб қўйилди.

Хўш, ҳамма жойда ҳам аҳвол шундай қувонарлими? Афсуски, бундай эмас. Рейд бригадаси аъзолари яқинда халқ назоратчилари ҳамда қишлоқ хўжалиги мутахассислари иштирокида бир қатор хўжаликларнинг ремонт устахоналарида бўлиб, бунга ишонч ҳосил қилдилар. Фактларга мурожаат этамиз. Эркин Рамазонов раис бўлган Сариосиё районидаги Жума Пирназаров номли колхознинг 16 та терим машинасидан энди 10 таси қўлдан чиқарилган. Шу райондаги Карл Маркс номли колхознинг 5 та кўрак чувийдиган машинасидан бирортасига ҳам қўл урилгани йўқ. Бу йил ҳар гектар майдондан камида 49 центнердан пахта териб топшириш мажбуриятини олган «Ленинград» колхозида кўрак чувийдиган машиналар ремонтига энди киришилган.

Шуни яна бир карра таъкидлаш керакки, ўтган йили [illegible]ика ремонти кечикиб кетганлиги ва сифатсиз ўтказилганлиги сабабли сариосиёлик механизаторлар машина терими планини бажара олмай ер чизиб қолган эдилар. Афтидан улар бундан тегишли хулоса чиқармаганга ўхшайдилар. Бу ерда колхоз ва совхозлар ихтиёридаги 208 та терим машинасидан энди 183 таси ёки 88 проценти ремонт қилиниб бўлинди. 46 та кўрак юладиган агрегатдан 15 тасига, 95 та кўрак чувийдиган машинадан 42 тасига ҳануз қўл урилгани йўқ. Пахта ортадиган, тўкилган ҳосилни терб кетадиган аппарат ва механизмлар ремонти ҳам худди шундай аҳволда.

«Ремонт тугалланди» деб рапорт берган айрим районларнинг баъзи хўжаликларида бўлганимизда ҳақиқий аҳволни кўриб, таажжубландик. Ленин йўли районидаги Қосим Раҳимов номли совхозда 90 та терим агрегатидан 10 тасига ҳали қўл урилмаган бўлса-да, раҳбарлар «зангори кема»лар тайёр деб рапортга имзо чекиб юборганлар. Бу ерда ремонт ишлари кечикиб бошланган, ремонтчи кадрлар етишмайди.

Гагарин районидаги Мақсуд Харисов директор бўлган «Партия XXIV съезди» совхозида бундан ҳам ҳунук аҳволнинг гувоҳи бўлдик. Совхознинг марказий устахонасида тартиб-интизом йўқ, кераксиз деталлар ҳам, яроқли запас қисмлар ва эски-янги ўнлаб трактор баллонлари ҳам сочилиб-уйилиб ётибди. Бу ерда ишлаб чиқариш эстетикасига риоя қилиш у ёқда турсин ҳатто, техникани сақлаш, эксплуатация қилиш ва техника хизмати кўрсатиш қоидалари ҳам бузилмоқда. Совхоз ишчилари бу йил давлатга 13 минг тонна пахта топшириш, шундан 10 минг тоннасини машиналар бункеридан тўкиш мажбуриятини олганлар. Бироқ, хўжалик ихтиёридаги 72 терим агрегатидан 8 таси ремонтига ҳали қўл урилган эмас. Кўрак терадигани 12 та машинадан 5 таси, кўрак чувийдиган 13 аппаратдан 4 таси ва тўкилган пахтани терадиган 18 агрегатдан тенг ярми ҳозиргача ремонт кутиб турибди.

— Район Госкомсельхозтехникасида терим машиналарини сифатли ремонт қиладиган ихтисослаштирилган устаҳоналар йўқ, — дейди ачиниб, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бош техника назоратчиси Е. Муҳаммадиев. — Хўжаликларимиздаги терим машиналарининг асосий қисми Шўрчи, Сариосиё ва Юрчи Госкомсельхозтехника устаҳоналарида ремонт қилинади. Биз Шўрчи Госкомсельхозтехникаси устахоналарида ремонт қилинган машиналар ишчи аппарати редукторлари созланмаганига гувоҳ бўлдик.

Гагарин райони меҳнат аҳли бу йил она-Ватанга 63 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш, бунинг 80—85 процентини машиналарда териш мажбуриятини олган. Область районлари ичида энг кўп терим агрегатлари — 440 та пахта териш машинасига эга бўлган бу районда ҳам ремонт ишларининг аҳволи яхши эмас. Райондаги 93 та кўрак чувийдиган машинадан 26 тасига, 88 та кўрак узадиган машинадан 22 тасига, тўкилган пахтани терадиган 134 аппаратдан 31 тасига ҳануз қўл урилган эмас.

Областдаги йирик пахтакор Ангор, Шўрчи, Жарқўрғон, Денов районлари хўжаликларида ҳам терим агрегатларини мавсумга тахт қилиб қўйиш ишларида талай камчиликлар бор. Область бўйича мавжуд 2741 терим агрегатидан 2635 таси ремонтдан чиқарилди. 137 кўрак узадиган, 82 та кўрак чувийдиган, 34 та пахта ортадиган, 25 та тўкилган пахтани терадиган агрегатлар ремонтига ҳали қўл урилмагани ачинарли ҳолдир.

Партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари ремонт ишларини зудлик билан ва сифатли тугаллаш учун механизаторларга етарли шароит яратиб бермоқлари, талабчанликни оширмоқлари даркор.

Х. ШАЙМОНОВ,
область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғининг механизация бўйича ўринбосари.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Оламда нима гап

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ТЕЗ ВА НОБУД ҚИЛМАЙ

ВАРШАВА. Польшанинг давлат хўжаликлари ва деҳқончилик кооперативларида «Хосилни тез ва нобуд қилмай ўриб-йиғиб оламиз!» шиори остидаги ғалла ўримйиғимига тайёргарлик ниҳоясига етди.

Бу йил 27 мингта серунум комбайн, қариб 600 та осма агрегатли трактор республика далаларига чиқади. Бу машина-механизмлар билан 8 миллион гектардан зиёд майдондаги ғалла ва бошқа донли экинлар йиғиштириб олиниши лозим. Машинасозлик саноати корхоналарининг коллективлари машина-механизмларни вақтида тайёрлаш ва ремонт қилишда қишлоқ мехнаткашларига катта ёрдам бердилар.

МЕТАЛЛУРГЛАР УЧУН ПРОФИЛАКТОРИЙ

СОФИЯ. Кремиков металлургия комбинатининг хушманзара жойлашган профилакторий йилнинг ҳар фаслида ҳам одамлар билан гавжум. Тоғ ҳавоси, қуёш, минерал мана — буларнинг ҳаммаси ҳозирги замон медицина техникаси билан бирга металлургларга яхши дам олиш ва самарали даволанишни бағишлайди.

Комбинат ишчиларидан ҳар йили қарийб 15 минг киши ўз профилакторийсининг хизматидан фойдаланмоқда. Ишчиларга медицина хизмати кўрсатишни такомиллаштириш — Болгария соғлиқни сақлашининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Ҳозирги вақтда мамлакатдаги барча йирик саноат объектлари ўз поликлиникаси ёки медицина пунктларига, 50 дан ортиқ профилакторийсига эга.

ЛЕЙПЦИГДАГИ ЯРМАРКА ОЛДИДАН

БЕРЛИН. 31 августдан 6 сентябргача Лейпцигда ўтказиладиган бўлажак кузги халқаро ярмаркада тахминан 50 давлатдан салкам 6 минг корхона ва ташқи савдо фирмаси, шунингдек деярли юз мамлакатдан коммерция доираларининг намояндалари қатнашади. Халқаро Лейпциг ярмаркаларининг бош директори Ф. Вонзак бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида шуни хабар қилди.

У ўтказиладиган ярмарка Хельсинкидаги кенгаш Якуниловчи акти руҳида халқаро савдони янада ривожлантириш учун янги кучли омил бўлади, деб ишонч билдирди.

Химия ва енгил саноат буюмлари, полиграфия ва йўл машиналари, кенг истеъмол моллари бу йилги Лейпциг кўргазмасининг профилини белгилаб беради.

Ф. Вонзак айтганидек, агар бўлгани сингари, бу сафар ҳам Совет Иттифоқи чет мамлакатлар ўртасида энг кўп экспонатлар намойиш қилади. СССР павильонида йигирмадан кўпроқ ташқи савдо ташкилотларининг маҳсулоти кўрсатилади.

РЕВОЛЮЦИЯ САНАСИ ОЛДИДАН

ХАНОЙ. Бу ерда ВКП Марказий Комитети секретариатининг август халқ демократик революцияси ғалабасининг 35 йиллигини ва республика эълон қилинган кунни байрам этиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Бу сана мамлакатда 2 сентябрь куни нишонланади.

Мамлакатнинг барча шаҳарлари ва вилоятларида байрам кунларида Вьетнам халқининг унинг озодлиги ва мустақиллигига ҳуруж қилган агрессорларга қарши курашида кўрсатган қаҳрамонона жасоратларига бағишлаб кўргазмалар ташкил қилинади ва митинглар бўлиб ўтади, лекция ва йиғилишлар ўтказилади. Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар ва бутун тараққийпарвар инсоният ВСРга жуда катта ёрдам ва мадад берганлиги таъкидлаб ўтилади.

(ТАСС).

МУҲИМ ҲИССА

БОННГ. (ТАСС). Ғарбий Германия жамоатчилиги СССР билан ГФР ўртасида тузилган шартноманинг ўн йиллигини снёсий жиҳатдан катта аҳамиятга молик воқеа сифатида, Европада тинчлик ва кескинликни юмшатиш ишига, халқаро ҳамкорликка қўшилган муҳим ҳисса сифатида нишонламоқда.

Германия Компартияси правленияси президиумининг аъзоси К. Эрлебах бундай деди: «СССР билан ГФР ўртасида тузилган шартноманинг ўн йиллиги Европада тинчлик ва хавфсизлик учун курашда муҳим воқеадир. Бу шартнома ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда муҳим босқич ва бурилиш нуқтасидир. Шартнома ҳар томонлама яхши қўшничилик алоқаларини ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор вужудга келтирди. Москва шартномаси белгилаб берган йўл асосий йўл бўлиб қолиши керак».

Германия социал-демократик партиясининг федерал секретари Э. Бар шартнома «ГФР билан СССР ўртасидаги муносабатлар тарихида янги саҳифа очганлиги»га ишонч ҳосил қилганлигини айтди.

ГФРнинг савдо-саноат доираларида таъкидлаб ўтилганидек, ҳар икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар ҳозирги вақтда узоқ вақтга мўлжаллаган асосда, кенг кўламда ва изчил ривожланиб бормоқда, ҳар икки томонга наф келтирмоқда. «Маннесман» концерни правлениесининг раиси Э. Овербек, «Адидас» фирмасининг раҳбарларидан бири Б. Банклер—Даслер, СССР билан савдо алоқаларини ривожлантираётган ГФРдаги бошқа бир қанча концернлар ҳамда фирмаларнинг вакиллари ТАСС мухбири билан суҳбатда худди шундай фикрни изҳор қилдилар.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

Вьетнамда Август революциясининг ва мамлакат мустақил деб эълон қилинган кунининг 35 йиллиги шарафига социалистик мусобақа кенг авж олмоқда.

Саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалик кооперативларининг неча юзлаб коллективлари Вьетнам Компартияси Марказий Комитети чақирўғини маъқуллаб, оширилган мажбурият олдилар. Мамлакатнинг шимолидаги Хашонбинь ва Хайхинг вилоятлари деҳқонлари ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Улар давлатга бахорда етиштирилган шоли ҳосилини топшириш планларини ошириб бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Қўшимча равишда бир неча минг тонна дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди.

(ТАСС).

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

КОБУЛ. Афғонистоннинг Амударё соҳилидаги Хайратон портида кенг миқёсдаги қурилиш ишлари авж олиб кетди. Мамлакатнинг экспорт ва импорт қиладиган юклари каттагина қисми шу порт орқали ўтади. Шу сабабли уларни дарё кемаларида ташиш учун катта чиқим бўлаётганлиги муносабати билан бу ерда автомобиллар ва темир йўл поездлари ўтадиган кўприк қуришга қарор қилинди. Айни вақтда порт иншоотлари реконструкция қилинмоқда, янги маъмурий ва уй-жой бинолари қурилмоқда. Афғонистон Хайратондаги кўприк ва порт комплексини қуриш тўғрисида Совет Иттифоқининг «Техностройэкспорт» фирмаси билан битим тузди.

* * *

Афғонистоннинг Бадахшон вилоятида 700 дан ортиқ деҳқонни бирлаштирувчи 11 та қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативи тузилди. Бахтар агентлигининг ўқтириб ёзишича, бу кооперативлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишда, деҳқончиликнинг моддий базасини кучайтиришда, деҳқонларнинг турмуш даражасини оширишда муҳим роль ўйнайди.

АНҚАРА. Туркияда террор ва тартибсизликнинг авж олиши тобора кенг миқёс касб этмоқда. Куролли талончилик ва ўғирликлар тўхтамаяпти. Мамлакатнинг 20 та вилоятида фавқулодда ҳолат эълон қилган маъмурлар террорнинг кучайишига қарши «эҳтиёт чораси» тариқасида Туркиянинг турли жойларида мунтазам равишда тинтув ва текширишлар ўтказиб турибди. Масалан, ўтган икки ҳафтанинг ўзида Истамбул хавфсизлик кучлари 300 га яқин экстремистни қамоққа олиб, неча ўнлаб кишиларни қасддан ўлдиришда айбладилар. Аммо кўрилаётган чоралар кор қилмаяпти. Маҳаллий матбуотнинг сўнгги маълумотлари мана шундан далолат беради. Мазкур маълумотларга қараганда, кейинги тўққиз ой ичида Туркияда 2294 киши террор қурбони бўлган.

ТЕҲРОН. Мамлакатдан қочган аксилинқилобчи деҳқонлар ва заминдорларга қарашли бўлган далалардан ҳосилни йиғиштириб олишда ўтган икки кун мобайнида теҳронликлардан сал кам юз минг киши қатнашди. Форс агентлигининг хабар қилишича, Теҳронда одамларни мана шу ишларга уюштириш учун 15 та марказ тузилган. Ҳосилни йиғиштириб олиш ишлари яна уч ҳафта давом этади, деб таъкидлайди агентлик. (ТАСС).

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ ГАВАНА. Бу ерда тинчлик учун курашувчи халқлар жаҳон парламентида қатнашиш учун миллий тайёргарлик комитети тузилди. Жаҳон парламенти шу йил сентябрь ойида Болгарияда бўлади. Комитет Жаҳон Тинчлик Кенгашига йўллаган табрикномасида айтилдики, кўп мамлакатлардан 2 мингдан зиёд делегат қатнашадиган парламент ўтказилиши халқаро империализмнинг агрессив сиёсатига қарши халқлар ҳаракатида муҳим қадам бўлади.

Парламент ялпи ва тўла куролсизланиш учун, куролланиш пойгасига қарши, Фаластин, Чили, Уругвай, Парагвайда, дунёнинг бошқа мамлакатларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун, янги халқаро иқтисодий тартиб учун кураш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади.

◆ КОБУЛ. Кобул политехника институтида ҳисоблаш марказини очиш тантанали маросими бўлиб ўтди. Совет Иттифоқи Афғонистонга берган электрон ҳисоблаш машинаси марказ учун негиз бўлиб хизмат қилди. Марказни очиш маросимида АДР олий ва махсус ўрта таълим министри Гулдод гапириб, бу ускуна Кобул политехника институтига муҳим илмий-техник проблемаларни ҳал этишда ёрдам беради, деди. Министр демократик Афғонистонга кўрсатаётган ёрдамлари учун Совет Иттифоқига миннатдорчилик билдирди.

(ТАСС).

ТИНЧЛИК БЎЛУР БАРҚАРОР

НАГАСАКИ ВА ХИРОСИМА ФОЖИАСИ ТАКРОРЛАНМАСИН

Бундан 35 йил муқаддам, иккинчи жаҳон урушининг сўнгги кунларида Америка Қўшма Штатларининг ҳарбийлари Японияннинг Нагасаки ва Хиросима шаҳарларига атом бомбаси ташлаб, ер юзидаги халқлар нафратига сазовор бўлди.

Бу даҳшатли фожиа шундай рўй берди: 1945 йил 6 август эрталаб маҳаллий вақт билан 8 дан 15 минут ўтганда ҳавода Американинг «Б-29» типидаги бомбардимончи самолёти пайдо бўлди. Самолёт бўйи 3, эни 1,5 метр бўлган атом бомбаси ташлади. Портлаш натижасида 500 метр масофада оловсимон шар ҳосил бўлиб, аланга, тутун, чанг-тўзон 300 метрдан ҳам баланд кўтарилди. Иссиқлик 3 минг даражагача етди. Натижада Японияннинг тинч шаҳарлари — Нагасаки ва Хиросима культепага айланди, 300 минг аҳоли ҳалок бўлди. Шуни айтиш керакки, бу шаҳарларга иккинчи жаҳон уруши тақдирини ҳал этишда ҳеч қандай ҳарбий ва стратегик аҳамиятга эга эмас эди.

Нагасаки ва Хиросима шаҳарларининг тирик қолган аҳолиси орасида ядро қуроли таъсирида нурланиш касаллиги авж олиб кетди. Одамларнинг сочлари тўкила бошлади, қон таркибида оқ қон доначалари камайиб, мия, асаб ва юрак ҳужайралари ҳамда тўқималарида, ошқозон-ичак аъзоларида катта ўзгаришлар содир бўла бошлади. Касалликнинг зарарли таъсири остида яна кўпларнинг ёстиғи қуриди.

Пентагон корчалонлари бажарган устида жиноий тажриба қилганлигига, ажал келтирувчи нурларни синаб кўриш усулини қўлланганлигига, даҳшатли атом бомбаси инсоният боши узра портлатилганига 35 йил бўлди. Шунга қарамай, Нагасаки ва Хиросима шаҳарлари аҳолиси орасида ҳанузгача нурланиш касаллиги аломатлари учраб туради. Болаларнинг майиб, жисмонан ва ақлан заиф туғилиши, ёшлар юзида қариликка белгилари пайдо бўлиши ва бошқа аломатлар шулар жумласидандир.

Нагасаки шаҳри марказида, атом бомбаси портлаган жой яқинидаги баландликда шаҳар аҳолисининг ташаббуси билан тинчлик парки барпо этилган бўлиб, унда дунё халқларини тинчликка ва доимо ҳушёр бўлишга ундовчи катта ҳайкал ўрнатилган.

Жаҳонда тинчлик учун кураш байроқдори — Советлар мамлакати 1946 йилдаёқ атом қуролини қатъиян ман этиш ва унинг запасларини йўқотиш таклифи билан чиққан эди. Мамлакатимизда ядро энергиясидан халқимизнинг фаровонлиги йўлида, тинчлик мақсадларида кенг фойдаланилмоқда. Атом музёрар кемалари, атом электр станциялари бизда одатдаги воқеага айланган. Радиоактив изотоплар ёрдамида турли хасталикларнинг олдини олиш, касалликни тўғри аниқлаш ва даволаш соҳасида самарали илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти радиохимия лабораториясида олинган ҳар хил радиоактив изотоплар билан республикамизнинг йирик касалхоналари ва илмий-текшириш институтларида беморларнинг дардини аниқлаш соҳасида фойдали ишлар қилинмоқда. Ядро энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишда айниқса ҳозирги замон химия, физика ва биология фанлари катта муваффақиятларга эришди.

Америка агрессорлари жаҳон халқларининг қаршилигига қарамай, ялпи қирғин қуролларининг янгидан-янги хилларини яратмоқдалар. АҚШнинг ҳозирги президенти Ж. Картер нейтрон бомбаси ишлаб чиқаришни ҳозирча тўхтатиб туришга мажбур бўлса-да, лекин атом қуролининг янги хилини яратиш йўлидан воз кечган эмас.

«Совуқ уруш» тарафдорлари оғиз кўпиртириб, нейтрон бомбасининг таърифу тавсифини қилишади. Уларнинг фикрича, нейтрон бомбаниг афзаллиги инсон ва тирик жонивор лар ни кириб, ер юзидаги бойликларга зарар етказмаслигида эмиш. Аслида нейтрон бомба нурлари бошқа ядро қуроллари нурларига қараганда анча кучли бўлиб, бу нурлар танк зирҳидан ҳам ўтиб, унинг ичидаги одамларни ҳалокатли нурланиш касаллигига дучор қилади. Нейтрон бомбаси портлашидан 822—1000 метр масофада ҳалокатли, 2 минг метр радиусда эса енгилроқ даражадаги нурланиш касаллиги пайдо бўлади. Бу бомба нурлари таъсирида киши организми 950 — 1000 рентген ҳисобида нурланиш олса, 8—10 кун ичида ҳалокатга олиб келади. 100 — 250 рентген миқдоридаги нейтрон нурланиши енгил касаллик келтириб чиқаради. Бунда бош оғриши, айланиши ва бошқа умумий аломатлар кўринади. Ўрта даражадаги нурланиш касаллигида эса шу аломатлар кучайиб, қон таркибидаги салбий ўзгаришлар узоқ вақтгача сақланиб туради. Танадаги деярли барча аъзолар фаолияти бузилади. Бир тўда агрессорлар ядро, химия ва бошқа хил турдаги қуроллар қаторига нейтрон бомбаларини қанчалик пеш қилмасинлар, жаҳон прогрессив кучлари бунинг ҳеч ирода ва қатъият кўрсатишга қодир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совет Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев тинчлик учун кураш ишига, жаҳон ядро уруши олдини олиш ва ялпи қирғин қуролларини тақиқлаш соҳасида жуда катта ҳисса қўшди.

Мен ўтган йилнинг декабрь ойида бир группа совет туристлари билан Японияннинг Нагасаки шаҳрида бўлдим. Шаҳарнинг атом бомбаси портлаган ерида гул, турли ўсимлик ва дарахтлар ўсиб, кўкариб турганлигини кўрдим. Демак, ҳаёт, таблат ва инсоният ҳар қандай атом бомбасидан ҳам кучлироқ экан. Ишончим комилки, замонамизнинг ҳар бир виждонли граждани тинчлик иши учун кураш йўлида билим ва кучини аямайди. Нагасаки ва Хиросима фожиаси такрорланишига ҳеч қачон йўл қўймайди.

Ж. МАҚСУМОВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг бош радиологи, СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси, профессор.

САЛЬВАДОР. Реакцион ҳарбийлар ва ўта ўнг террорчи группалар мамлакатни демократлаштириш учун ҳамда зулм ва истибдодга қарши курашаётган ишчи-деҳқонлар ва студентлардан ўч олмоқдалар. Солдатлар режим мухолифларини излаб шаҳар ва қишлоқларда изғиб юришибди. Суратда: жазо отряди «ўлжа»ни қидирмоқда.

ЮПИ — ТАСС фотоси.

«АЛЛЕН» ҲАМОН ҚУТУРМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Қариб денгизи узра кўтарилган «Аллен» тўфони АҚШ территориясининг жанубий қисми билан Мексиканинг шимолий-шарқий қисмига ёпирилди. Тезлиги дамба-дам соатига 275 километрга борадиган шамол уйларнинг томларини кўчириб, дарахтларни илдизи билан қўпормоқда.

Юз минглаб кишилар офатдан қочиб, жамоат бинолари да панох изламоқдалар. Техас штатининг кўпгина аҳолиси ичимлик сувсиз, газ ва электрсиз қолди. Штатнинг жанубий қисмида шаррос ёмғир қуймоқда. Мексика кўрфазида мисли кўрилмаган қаттиқ портана бўлмоқда. Улкан тўлқинлар Либерия таннерини Корпус-Кристи шаҳридан сал беридаги кимсасиз оролга улоқтириб ташлади. Бу танкерда 280 минг баррель (1 баррель — 159 литр) нефть ва экипаж аъзоларидан 37 киши бор. Мутахассислар штатнинг катта-катта районларида қаттиқ тошқин бўлиш хавфи бор, деб огоҳлантирмоқдалар. Курбон бўлган кишилар бор.

ЮПИ агентлигининг таъкидлашича, ўтган юз йил ичида 1935 йилдагина АҚШнинг Атлантика соҳилига ана шундай кучли тўфон ёпирилганди.

ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯНИНГ СЪЕЗДИДА

НЬЮ-ЙОРК, 12 август. (ТАСС). АҚШ демократик партиясининг бу ерда давом этаётган съездининг биринчи мажлисидаёқ кун тартибидаги асосий масала, яъни ноябрь ойида ўтказиладиган президент сайловида кимнинг демократлар номзоди бўлиши тўғрисидаги масала ҳал этилди. Президент Картеннинг асосий рақиби сенатор Кеннеди ўз номзодини олиб ташлади.

Съезд делегатлари олдида партия томонидан президентликка номзод қилиб кўрсатиладиган икки даъвогар — Оқ уйининг ҳозирги бошлиғи ва Э. Кеннеди турар эди. Ж. Картер дастлабки сайловлар ва штатлар партия ташкилотлари йиғинларидаёқ делегатларнинг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда съездга кириб келди. Аммо ўша пайтдан буён ўтган давр ичида ишлаб чиқариш ғоят пасайиб кетганлиги, ишсизлар сони кўпайиб, 8,2 миллион кишига етганлиги ва Вашингтоннинг авантюристик сиёсати натижасида халқаро кескинлик кучайганлиги туфайли Оқ уй хўжайинининг обрўси бениҳоя тушиб кетди.

Съезд очилиши арафасида президентнинг укаси Билли Картер билан бўлган можаро натижасида ҳозирги маъмўриятнинг мавқеи янада мураккаблашиб кетди.

Буларнинг ҳаммаси демократик партия оддий аъзоларининг норозилигига сабаб бўлди ва «очиқ съезд» ўтказишни ёқлаб чиқувчилар ҳаракатини вужудга келтирди. Бундай шароитда делегатлар овоз бериш вақтида дастлабки сайлов натижалари белгилаб берган мажбуриятларга эмас, балки ўзларининг шахсий мулоҳазаларига амал қилишлари мумкин. Шу таклифни қўллаб-қувватлаб, сўзга чиққан делегатлар маъмуриятнинг ташқи ва ички сиёсатини кескин танқид қилдилар.

«Очиқ съезд» ўтказиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлаш юзасидан Нью-Йоркда турли жамоат ташкилотларининг оммавий намойиши бўлди. Бу ташкилотларнинг аъзолари одатда демократик партия номзодларини ёқлаб овоз берадилар. Аммо «Америка демократияси» шароитларида бўлгани каби бу сафар ҳам ҳамма нарса мажлислар залида эмас, балки «папирос тутуни бурқиб турган хоналарда», яъни съезд остоналарида ҳал этилди. Демократик партия корчалонлари шундай жойларда ҳамма ишни белгилаб қўядилар. Бунинг натижасида «очиқ съезд» ўтказиш тўғрисидаги таклиф 1936 овоз билан рад этилди, 1391 киши ана шу таклифни ёқлаб чиқди ва тўрт киши овоз бериш вақтида бетараф қолди. Бунинг натижасида сенатор Э. Кеннеди кечга томон матбуот конференциясида гапириб, президент лавозимига ўз номзодини кўрсатиш учун ҳаракат қилмаслигини айтди.

Бугун съезд иши программасига мувофиқ, демократик партиянинг сайловолди платформаси тасдиқланади.

ВАШИНГТОН, 12 август. (ТАСС). «Нью-Йорк таймс» газетаси «Америка касаба союзларининг кўп раҳбарлари Картеннинг яна президент лавозимига номзод қилиб кўрсатилиши муқаррар бўлиб қолганлигидан ҳафсаласи пир бўлганлиги»ни таъкидлайди. Газета уқтириб ўтганидек, уларнинг баъзилари «Картерни демократ либосидаги республикачи, хусусан экономика соҳасида унинг консерватив ҳатти-ҳаракатлари мақбул эмас, деб ҳисобласалар ҳам Рейган номзодининг кўрсатилиши бизни демократлар лагерида қолишга мажбур этса керак, деб тан олмоқдалар».

ПАРИЖ, 12 август. (ТАСС). Франциянинг «Матан» газетаси демократлар съездига бағишланган мақоласида қуйидагиларни ёзади: «бутун ҳақиқат шундан иборатки, делегатларнинг бирортаси Картер учун ҳам, Кеннеди учун ҳам овоз беришни истамайди». Газета ҳозир давом этаётган съезд сенаторларнинг, вакиллар палатаси аъзоларининг ноябрь ойида ўтказиладиган сайловда ўз мандатларидан маҳрум бўлиб қолиш эҳтимоли борлигидан ғоят ташвишланаётганликларини кўрсатди, деб таъкидлайди. «Бу ҳол, — деб уқтириб ўтади газета, демократик партиядаги қонун чиқарувчилар кўпчилиги съездда иштирок қилмаётганлигининг сабабларидан бири бўлса керак».

АРНАСОЙ ДЕНГИЗИ

ВАТАН ХАРИТАСИ ЁНИДА

Агар сиз Тошкентдан Самарқандга ёки Бухорога учган бўлсангиз, эҳтимол самолёт қанотлари остида мовий денгизни кўргандирсиз. У саҳро ўртасида қандай пайдо бўлган экан! Бу — инсон қўллари иши.

Мирзачўлни суғориш ҳақидаги ленинча декрет чиққандан сўнг орадан ўтган йигирма асрдан зиёд вақтда юзага сизиб чиқадиган ер остидаги сувлари коллекторлар ёрдамида суғориладиган зоналар ташқарисига, Арнасой чўкмасига қуйилади. Бу улкан коса ўзида миллионлаб кубометр сувни, шу билан бирга минглаб тонна йўл-йўлакай қўшилган зararли тузларни жамлаган. Натижада катта майдондаги текисликни ўзлаштириш имкони туғилди. Бир пайтлар қақраб ётган ерлар ўрнида ўнлаб совхоз посёлкалари, йирик пахта фабрикалари қад кўтарди. Уларнинг энг навқиронлари эса эндиликда Арнасой деб аталадиган денгиз соҳиллари жойлашган.

Оппоқ пахтазорга айланган далада Мирзачўлни биринчи бўлиб ўзлаштиришга отланган киши — Н. Холмуродов билан учрашишга муяссар бўлдик. У жонсиз ерга биринчи қозиқ қоққан чўқуварларнинг машаққатли фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи альбом-кундаликни кўрсатди. Ана, оқшом ғираси ирасида бутасиз, ниҳолсиз поёнсиз чўлда бир киши одимламоқда. Унинг ортидан тракторлар боряпти. Улар биринчи эгатни олишмоқда. Бошқа фотосурат эса кишини таажжубга солмай қўймайди: мотоцикл рулига эчкиэмар ёпишиб олган. Ғалати манзара, шундай эмасми?

— Кимдир қўлга туширган овини шу жойга қўйган кўринади.

— Йўқ, — деб тушунтиради Холмуродов. — Мотоцикл шовқинидан қўрқиб кетган эчкиэмарнинг ўзи тракторчи мотоциклига чиқиб олган.

— Сенга ҳавасим келаётгани йўқ оғайни, — деб йўлдан қолдиришмоқчи ҳам бўлишганди Т. Аҳмедовнинг ҳамкишлоқлари. — Сен униб-ўсган, яшнаб турган водийни ташлаб, борса-келмас жойларга кетяпсан. Аммо Турғун хотиржамлик изланиган кишилар тоифасидан эмас эди. У уч йилдирки, Арнасой соҳилларида ҳамон Қизилқум томон бало-қазодек ёпирилиб келадиган қум барханлари билан олишиб ётибди. У ҳозиргача 62 гектар ерни ўзлаштиришга эришди.

Арнасой тупроғи фақат пахтаси билан машҳур эмас. Бу ерда гўшт, сут, сабзавот, хўл мева, узум етиштирадиган хўжаликлар ҳам бор. Паррандачилик комплекслари қад кўтаряпти. Соҳилбўйи кенгликларида минглаб ўрдак ва куркалар, миллион бошдан зиёд бройлер боқиляпти. Яқинда бу ерда қўлга ўргатилган чўл жайронлари учун махсус жой ҳозирланди. Унда жайронлар учун алоҳида қўриқхона ташкил этилган.

Йўл бўйлаб кетган қамишзорлар орасидан узун бўйиларини чиқариб моторлар овозидан қўрқиб кетган учта қирғовул: иккита кулранг урғочи ва олачипор тилларанг туллак қочиб ўтди. Аввал бошида кўпчилик, Арнасой қирғовуллар учун ярармикин, деган шубҳага борган эди. Чунки бу ерда ўсимлик йўқ эди-да. Ташаббускорлар Арнасойда қирғовулларнинг яшаши учун барча шароитларни яратдилар. Бутазорлар, тиканакзорлар, саксовуллар ўстирдилар. Чоратрофда эса ғаллазор ва маккажўхоризорлар, беда-зорлар ястанди. Шуниси қизиқки, бошқа қўриқхоналардан бу ерга қирғовулларни келтиришга улгуришмай уларнинг ўзи Арнасой соҳилларида жаннат исини сезгандай тўда-тўда бўлиб учиб келишди.

Саҳро ичига кириб борганнинг сари кўм-кўк ўсимликлар тобора кўплаб учрайди. Манзарали дарахт ниҳоллари шабадада қарсак чалади. Ёзнинг гармселию, қишнинг қаҳратон бўронларига қарамай, саҳро четида ўрмонлар яшнаб турибди.

— Ўзларингизнинг балигингиз ҳам борми?

— У ҳақда алоҳида тўхталиш керак, — дейди район партия комитетининг биринчи секретари А. Соибназаров. — Арнасой этакларида Тузкон ва Ҳайдар қўллари бўлиб, улар 70 километр масофага чўзилган. Ҳозир уларда ойнасимон зоғора балиқ, лаққа балиқ, дўнг пешона, оқ амур боқилмоқда. Яқинда Шимолий Америкадан келтирилган буффало балиғи ер ларда пайдо бўлди. Назаримда, Арнасой буффалога маъқул тушди шекилли. Ҳозир уларнинг айримлари 20 килограмм оғирликка етди. Арнасойнинг келажакда энг йирик тирик қумуш фабрикасига айланишига шубҳа қилмайман. Ҳозирнинг ўзида минглаб тонна балиқ бу ердан Тошкентга ва республиканинг бошқа шаҳарларига жўнатиляпти. Унинг ёнида балиқчилар посёлкаси ҳам қад кўтарди. Посёлкага Наврўз номи берилди.

«Арнасой чўкмаси даҳшатли ва расво жой, — деб ёзган эди ўтмиш саёҳатчиларидан бири Қизилқум ва Жиззах чўллари орасидаги ўтиб бўлмас ботқоқликлар ҳақида. — Унинг атрофида чўзилиб кетган саҳро ундан ҳам баттар. Бу ерда яшашни ҳатто илонлар ҳам хоҳламайди. Бунда қуюнлар ҳукмронлик қилиб, унинг гирдобида минглаб йўлчилар ажал топган».

— Арнасой саховатига тасанно! — дейишяпти эндиликда одамлар.

Бу ернинг тонги ҳам ўзгача. У бирдан ёришиб, баҳмалсимон қоронғиликни бир лаҳзада тарқатиб юборади. Шунда ҳаммаёққа жон киради. Кўлни жануб мамлакатларидан учиб келган қушларнинг сайроғи тутиб кетади. Ана, уяларидан лайлаклар ҳам кўтарилишди. Улар кўл устида хўжайинларга хос бир неча марта давра қуриб учишди-да, оҳисталик билан ғаллазор ичига қўнишди.

Арнасойнинг янги иш кунлари бошланди.

И. МУҚИМОВ,
(«Правда» мухбири).

Ўзбекистон ССР.

(«ПРАВДА» 8 август).

БИЗ~СОВЕТ ХАЛҚИМИЗ

ШУНДАЙ ЯШАР ҚИШЛОҚДА ДЕҲҚОН

Бойтўра Кўмаков билан Мели Қўчқоровнинг бир колхозда кетмон чопиб, бир дастурхондан туз тотиб келаётганига ҳам 32 йил бўлибди. Карл Маркс номли колхозга Бойтўра Қашқадарёнинг Косон районидан, Мели эса Самарқандниг Боғли қишлоғидан кўчиб келган эди. Икки кишининг нафаси бир-бирига тўғри келиб, феъл-атвори, орзу-ҳавас бир хил бўлгандан кейин айтадиган гани ҳам бир жойдан чиқаверар экан.

Ўша кезларда бу ерларда сув тақчил, гир-атроф тўқайзор, техника эса етишмасди. Иккови ҳам қолоқ бригадаларга бошлиқ қилиб тайинланганди. Шу-шу улар ўзаро мусобақалашиб келишади. Шунинг учунми, бирининг иккинчисидан яширадиган «сир»и йўқ.

— «Қўчқоров пахтадан «Тошкент» навини, бригада бошлиқларидан эса фақат Кўмаковни тан олади», — деб ҳазиллашишади ҳамқишлоқлари. Улар ўзлари айтгандай бир-бировига устоз, бир-бировига шогирд. Куз оёқлаб, ғалвир сувдан кўтарилганда ютқазган ачиқланмайди. Мусобақа эса ҳамиша ошкора, ютганда дўстлик, деҳқончилик, ҳосил ютади.

Ўнинчи беш йиллик эндигина бошланган кезлар эди ўшанда. Ҳамкасблар хўжаликда бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш ташаббуси билан чиқишди. Бу ташаббус кўпчиликка маъқул тушди. Натижа чакки бўлмади. Ўтган уч йил мобайнида Бойтўра Кўмаков бригадаси давлатга 3800 тонна «оқ олтин» топшириб, беш йиллик планни 17 октябрда, Мели Қўчқоров эса 3114 тонна пахта топшириб, 18 октябрда бажарди. Бойтўра акадан юқори ҳосил олиш сирларини сўрагудай бўлсангиз, оддийгина қилиб:

— Сирми? Ҳеч қанақа сир йўқ. Астойдил меҳнат қилсанг ҳосилинг ҳам ошаверади, — деб жавоб беради. Сўнгра: — фақат ернинг тилини тушуниб, қалбига қулоқ сола билиш керак. Ахир у ҳам овқат ейди, сув ичади, нафас олади. Овқати — маҳаллий ва минерал ўғит. Кўзда эса чуқур ва сифатли шудгорлаш лозим, киши билан қор ва ёмғирни шимиб хамирдек кўпчисин. Ана шундан кейин нима эксангиз шуни ўрасиз. Омборингиз донга, хирмонингиз «оқ олтин»га тўлади. Биз Мели билан доимо шундай иш тутамиз, — деб қўшиб қўяди.

Ҳар икки қаҳрамонимиз ҳам етти ўлчаб бир кесадиган йигитлардан. Деҳқончилик рисоласини пухта ўзлаштиришган, ўзлари ҳам девкор. Кеч куза ҳам, қишда ҳам дала кезишгани-кезишган. Ахир пахтанинг меҳнати эўр, чигитни экиб қўйиш билан иш битмайди. Уни бир текис ундириб олиш, озуқасини, сувини ўз вақтида бериш, ишловини кечиктирмай ўтказиш, ғўзани толиқтирмаслик, ҳашаротга едирмаслик... Буларнинг ҳаммаси бир олам меҳнат-ку!

Халқимизда «Турна-турна билан учади», деган нақл бор. Бир вақтлар Бойтўра ака ҳам, Мели ака ҳам ўз ҳалол меҳнатлари билан элюрт иззат-икромига сазовор бўлган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — колхоз раиси Жониқул Юсупов, механизатор Қурбон ота Орзиқулов, бригада бошлиғи Ҳамро Эргашевлар изидан бориб парвозни уларга қараб олган эдилар. Бундан кам бўлишмади. Уларга ҳам партия ва ҳукуматимиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берди.

Биз икки қаҳрамон ҳақида ҳикоя қилдик, холос. Ҳозир улар изидан бораётган колхозчилар сафи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хўжалик Самарқанд областида ҳам юксалишнинг ойдин йўлига чиқиб олди. Ҳозир колхозда 24 миллатдан иборат 3500 нафар киши меҳнат қилмоқда. Ўзбек, қозоқ, татар, рус, корейс, украин, тожик, туркман, турк, озарбайжон, армани... Хуллас, улар тутишган ога-инилек яшашади. Уларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли колхоз беш йиллик планни ҳамма соҳалар бўйича тўрт йилда ошириб бажарди. Она-Ватанга 48500 тонна ўрнига 49339 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Биргина пахтачиликнинг ўзидан ўтган тўрт йилда 6 миллион 738 минг сўм соф фойда олинди.

Колхоз раиси, ўзбек Жониқул Юсупов, бош экономист, қорақалпоқ Муҳаммади Сарсенбоев, бригада бошлиғи, корейс Алексей Хегай уста пахтакор, қозоқ Шомурод Тиловов, сувчи, турк Латиф Мамедов, механизатор, татар Рашид Ражабалиевларнинг бир-бирига ширин муомаласи, ҳурматини кўриб, бу оила фарзандларига ҳавасингиз келади. Колхозчилар тўқ, фаровон ҳаёт кечиришяпти. Меҳнат қилаётган 3500 нафардан зиёд колхозчининг 2 минг нафарига яқини партия ва ҳукуматимизнинг орден ва медалларига сазовор бўлган кишилардир. Бугунги кунда ҳамма бир мақсад — колхозни янада кўтариб, ҳосилдорликни ошириш орзуси билан яшаб, меҳнат қилмоқда.

Бу дўстлик самарасини гуллаган қишлоқлар жамолида, кишилар камолида, хонадонлар фаровонлигида кўриш мумкин. Сўлим қишлоқларга оқшом тушиши билан биророта хонадон йўқки, «зангори экран»лар нурланмаган бўлсин. Колхозчилар хонадонини замонавий жиҳозлар безаб турибди. Оилалар ўзининг шахсий автомашинасига эга.

Қишлоқлар жамоли замонавий уй-жой бинолари билан чирой очиб бормоқда. Ўтган йили 10 оила янги кооператив уй-жойларга кўчиб киришган эди, бу йил ҳозиргача 12 оила ана шундай уйларда ҳовли тўйларн ўтказишди. Бундан ташқари 350 талабага мўлжалланган янги билим юрти ишга тушди. Қишлоқлардаги тўртта тўлиқ, иккита тўлиқсиз ўрта мактабда колхозчиларнинг минглаб ўғил-қизлари билим олишмоқда.

Колхоз правлениесининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Жониқул Юсупов суҳбат орасида йўл-йўлакай айтиб ўтган бир факт айниқса характерли эди:

— Беш йилдирки, бирон колхозчининг идорага ёрдам пули ёки доллар сўраб келганини билмайман, — дейди у. — Идорага илтимос билан келган одам борки, фақат тахта ёки шифер топиб беринг дейди. Бу ҳам бўлса даромадга қараб буромад дегани-да. Хўжалигимиз бақувват, колхозчиларнинг топиштутиши, турмуши яхши. Пишиқ ғиштдан полли, шиферли янги уй-жой қурғиси келади. Шунинг учун ҳам қурилиш материаллари қишлоқда ниҳоятда харидоргир бўлиб қолди. «Ўзгипросельстрой» қурувчилари билан ҳамкорликда колхозимизнинг бош планини тузиб чиққанмиз. Яқин йиллар ичида қишлоқларимиз шаҳар кўркини олиб, янада обод бўлади.

Партия ва ҳукуматимиз кишиларнинг меҳнат ютуғини муносиб тақдирлаётган экан, бунга жавобан Большевик районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Карл Маркс номли колхоз меҳнат аҳли янада матонат кўрсатиб ишлаб, бу йил ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштиряпти. Улар КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил июнь Пленумининг «КПССнинг навбатдаги XXVI съездини чақириш тўғрисида»ги қарори ва ана шу Пленумда ўрток Л. И. Брежневнинг қилган докладини зўр қувонч билан кутиб олдилар.

Колхоз меҳнаткашлари беш йилликнинг якунловчи йилини зарбдор меҳнат йилига айлантириш учун астойдил ишлаяптилар. Уларнинг нияти КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада пешқадамлар сафида бўлиш, она-Ватанга 14000 тонна «оқ олтин» армуғон этиб, ўн биринчи беш йилликка пухта замин тайёрлашдан иборат.

А. ФОЗИЛОВ.

ҚҚАССР. Амударё ондатра хўжалиги республикадаги энг илғор хўжаликлардан бири. Бу ерда ҳозир 17 минг турли тусдаги норка ва 40 мингга яқин ондатра боқилмоқда. Унинг беш йилликкинг якунловчи йилида хўжалик давлатга 328 минг сўмлик қимматбаҳо тери топшириб, йиллик планни июнь ойидаёқ бажариб қўйди. Суратда: Жавунгир қўлининг кўриниши. Бу ерда ондатралар кўпайтирилади ва овланади.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

ПОЙТАХТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚУРИЛИШ

ОЛМАЗОР ҚАВАТЛАРИ

Тошкент харитасида Олмазор микрорайони пайдо бўлганидан бери ўнча кўп вақт ўтгани йўқ. Бу ерда ўтган йилнинг охирида учта дастлабки кўп қаватли бино қад кўтарган эди. Эндиликда Фурқат кўчасидан ўтаётган йўловчилар бу ерда қад ростлаган кино-концерт саройи, бир неча кўп қаватли уйларни, Партия тарихи институти биносини кўрадилар.

Келгусида бу ерда 140 минг квадрат метрли уй-жой, 1176 ўқувчига мўлжалланган мактаб, 320 ўринли мактабгача болалар муассасаси, кўпгина савдо шахобчалари ва маиший объектлар бунёд этилади. «ТашНИИПИгенплан» институти мутахассислари томонидан яратилган лойиҳа асосида 43 квартирали 12 қаватли эксперименталь уй-жой биноси, узунлиги бир неча юз метрга етадиган кўп квартирали тўқиз қаватли уй-жой биноси ҳам яқин келажакда қад ростлайди. Хуллас, Олмазор — Тошкентнинг энг кўркам микрорайонларидан бирига айланади.

ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

ГАЗЧИЛАР УЧУН

«Средазгазавтом ат и к а» заводида тайёрланган маҳсулотларнинг доврўғи тобора ошиб бормоқда.

«Ўзбекгазпром», «Уралтрансгаз», «Тюменьгазпром», «Якутгазпром» ва бошқа адресларга маҳсулот жўнатаётган завод турли хил автоматика ва телемеханика воситаларн тайёрлаётир. Корхона коллективи яқинда жанубдаги қўшнимиз Афғонистонга ҳам ўз маҳсулотларини жўнатди.

САНЪАТ

УЛУҒ ОЛИМ ЮБИЛЕЙИГА

Шарқнинг улкан энциклопедист олими Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллигига халқ усталари ҳам муносиб совға ҳозирлашяпти. Яқинда тошкентлик каштачи, Ўзбекистон халқ рассоми Фазилат Сайдалиева буюк олимнинг портретини яратди.

Машҳур халқ устаси Ф. Сайдалиева томонидан яратилган олимлар, ёзувчи ва шоирларнинг портретлари, бадиий каштачилик усули билан яратилган В. И. Ленин образи кўпчиликда яхши таассурот қолдирган. Бу полотнолар ҳозир мамлакатимизнинг музей ва коллекция залларини безаб турибди.

Ф. Сайдалиева Абу Али ибн Сино портрети устида икки йил ишлади. Шу вақт мобайнида у 1000 йил илгариги одамлар қандай кийинганини, уларнинг урф-одатларини яхшилаб ўрганди. Сўнгра наманганлик рассомлар яратган портрет асосида олим образини яратди. Портрет оддий ип билан яратилди. Асар тез кунда олим юбилейига бағишланган кўргазмага қўйилади.

Суратда: Ф. Сайдалиева иш устида.

А. Усмонов фотоси (ЎзТАГ).

БЕЛЛАШУВЛАР, ТЎПЛАР, ОЧКОЛАР

◆ СУЗИШ. Днепропетровск шаҳрида ўтказилган СССР чемпионати баҳсларида 300 спортчи қатнашди. Вакилларимиз дуруст натижаларга эришдилар. Жумладан, тошкентлик Сергей Заболотнов 100 метрга чалқанча сузиш бўйича (1 минут 00,41 секунд) ғолиблик қилган бўлса, 200 метрли масофадаги маррага иккинчи бўлиб келди. Шунингдек, 200 метрга брасс усулида сузган тошкентлик Л. Белоконь маррагача 2 минут 39,21 секунд вақт сарф лаб иккинчи ўринни олди. Унинг ҳамшаҳри Елена Хольманская ҳам чалқанча усулда сузиш бўйича иккинчи ўринга кўтарилди.

◆ ФУТБОЛ. II лиганинг Ўзбекистон зонасида навбатдаги тур ўйинлари ўтказилди. Зона пешқадамлари — самарқандлик динамочилар бу сафар дам олишди. «Динамо» футболчилари 25 ўйиндан 41 очко тўплашган. «Нефтяник» (Фарғона) командаси имкониятни бой берди. «Хива» коллективи мавқеини мустаҳкамлади. Шундай қилиб, фарғоналик ва хивалик футболчилар 26 ўйиндан 36 тадан очко жамғариб, 2—3 ўринларни эгаллаб турибдилар.

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 15 августда чиқади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ВАСХНИЛ ЎРТА ОСИЁ БЎЛИМИНИНГ
МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ЎРТА ОСИЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (САИМЭ)
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходимлар: илмий ишларни координациялаш ва ташкил этиш, тупроққа ишлов беришни ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари экишни механизациялаштириш (2), пахта ҳосилини йиғиб-териб олишни механизациялаштириш (2), ўт, сабзавот, донли ва дуккакли экинлар экиш ва ҳосилини йиғиб олишни механизациялаштириш, машиналар системасини ишлаш ва текшириш, машина-трактор парки энергетикаси ва ундан фойдаланиш, механизациялаштирилган жараёнлар учун агротехника тайёрлаш;

бўлимларга кичик илмий ходимлар: тупроққа ишлов беришни ва қишлоқ хўжалик экинлари экишни механизациялаштириш (3), пахта ҳосилини йиғиб-териб олишни механизациялаштириш (3), ўт, сабзавот, донли ва дуккакли экинлар экиш ва ҳосилини йиғиб олишни механизациялаштириш, машиналар системасини ишлаш ва текшириш, машина-трактор парки энергетикаси ва ундан фойдаланиш (4), механизациялаштирилган жараёнлар учун агротехника тайёрлаш.

Конкурсда фан докторлари, кандидатлари ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаштириш соҳасида катта амалий тажрибага эга бўлган мутахассислар қатнашишлари мумкин.

Конкурс муддати — 29 августгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 702841, Тошкент область, Янгийўл район, Қирда алоқа бўлими.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида янги ташкил этилган
ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
8—10-СИНФ БИТИРУВЧИЛАРИНИ
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ускуналар монтажи ва ремонти бўйича электромонтёр, токарь-универсал, фрезерчи-универсал, электрпайвандчи, йигувчи-слесарь, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, асбобсоз-слесарь, йўнувчи-силлиқловчи.

Ўқиш муддати: 8-синфни битирганлар учун — 3 йил, 10-синфни битирганлар учун — 1 йил.

Ўқиш даврида ўқувчиларга стипендия тўланади, шунингдек, ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 50 процента тўланади (10-синфни битирганлар), бепул уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва практика давридаги иш ҳақининг 33 процента (8-синфни битирганлар) берилади.

Турли хил бадиий ҳаваскорлик ва техника ижоди тўгаракларида ҳамда спорт секцияларида ҳар ким ўз кўнглига ёққан машғулоти билан шуғулланиши мумкин.

Билим юртида 50 метрли тир, спорт зали, ўйин ва гимнастика майдончаларидан иборат яхши жиҳозланган спорт комплекси, ҳайдовчилик машғулотлари учун шароит мавжуд.

Билим юртида отиш, бокс, курашнинг барча турлари бўйича ихтисослашган спорт группалари ташкил этилади.

Спорт группаларининг ўқувчилари кучайтирилган овқат, спорт формаси ва инвентари билан таъминланадилар.

Битирувчилар Тошкент авиация бирлашмасига ишга юборилади. Улар бирлашма ходимлари учун кўзда тутилган барча имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшилади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ариза, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 6 та фотосурат (4х5 см., ихтисослашган группаларга кирувчилар учун классификацион билет).

Ҳужжатлар 28 августгача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Лисунов кўчаси, 1-квартал, 82 «а»-уй — 61 мактаб ёнида (49, 80-автобусларнинг сўнгги бекати, 30-автобус, 29-трамвайларнинг «Етоқхона» бекати).

Бирлашманинг кадрлар бўлими биносида жойлашган қабул комиссияси соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
«Главташкентстрой»га қарашли «Строймеханизация» трестининг
2-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА:

1, 2, 3-класс ҳайдовчилар, минорали кран ремонти ва монтажи бўйича электрослесарлар, минорали ва автокранларнинг машинистлари, фрезерчилар, токарлар, йўл монтёрлари, моторист-дизелист, темирчи, минорали кранлар монтажи бўйича слесарлар, дурадгорлар.

Елғизларга ётоқхона берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

●

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг
ИССИҚЛИК ФИЗИКАСИ БЎЛИМИ
лабораториялар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходимлар: иссиқлик физикаси, акустика;
кичик илмий ходимлар: иссиқлик физикаси, молекуляр физика, оптика.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри-100, Краснодон проезди, 10-уй. Телефон 53-71-37.

Узбекистон ССР Маданият министрлиги
М. АШРАФИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
ашула ихтисоси бўйича 2 йиллик ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тўлиқ ўрта маълумотли ва вокал қобилиятга эга бўлган 18—22 ёшли шахслар қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли битирганлар консерваторияга қабул қилинадилар.

Аризалар қабул қилиш ва консультациялар 25 августдан 5 сентябргача ўтказилади.

Кириш имтиҳонлари 5—10 сентябрь кунлари ўтказилади.

Машғулотлар 10 сентябрдан бошланади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: ўрта маълумот тўғрисида аттестат (асли), ариза, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат, паспорт ва ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31-уй, қабул комиссияси.

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг Биохимия институти коллективи кичик илмий ходим Т. М. Исломовга укалари

Бахтиёр ва Дониёр ИНОҒОМОВларнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 10.35 — Уч қувноқ смена. Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-фильм. 11.40 — РСФСР Давлат духовой оркестри ижро этади. 12.10 — Леннаучфильм студияси илмий-оммабоп фильмлари 12.50 — ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.00 — Ёқимтой йигитча. Телевизион бадиий фильм. 17.25 — Рус тили. 17.55 — Фильм-концерт. 18.25 — Горнчилар, қаердасиз! 18.55 — Олимпиада-80. 21 июль кинокундалиги. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 20.05 — Василий Шукшин. Ёзувчи, актёр, режиссер. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Минск).

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Телевизион ҳужжатли фильм. 11.55 — Қувноқ пионер ёзи. 12.25 — Москва. Пионерлар саройи. 12.45 — Шеърият дафтаридан. 13.05— Ганг дарёси устида қуёш. Бадиий фильм. 1-серия. 18.20 — Мультфильмлар. 18.40 — Нурафшон давра. 19.10 — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олайлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лазги ансамблининг концерти. 21.30 — Время. 22.00 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.15 — Ганг дарёси устида қуёш. Бадиий фильм. 2-серия. 23.20 — Ҳужжатли фильм.

II.

20.25 — Янгиликлар. 20.35 — Реклама. 21.15 — Пойтахт области далаларида. 21.45 — Ҳужжатли фильм. 22.40 — В. Стрижельчикнинг ижодий портрети.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек авторларининг оммавий қўшиқлари. 9.30 — Ўзбек халқ куйлари. 12.10 — Узбекистан индустриальний. 13.00 — Ем-хашак тайёрлашнинг боришини текширамиз. 13.30 — Б. Тереньтьевнинг «Ўн учинчи бахтли» опереттасидан парчалар. 14.00 — Илғорлар намунаси чорлайди. 18.15 — Узбекистан спортивний. 18.50 — Ҳ. Олимжон шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 19.20 — Саломатлик — туман бойлик. 19.45 — Музикали танаффус. 20.20 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 20.50 — Съезддан съездгача. 21.00 — Ёзувчи, давр ва қаҳрамон. 21.20 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Футбол. «Динамо» (Тбилиси) — «Пахтакор».

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси. 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси. 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси —32-55-70, халқаро ҳаёт —32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, кишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат —33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-16, фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона —4-20-64; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 03134. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 186. 4